



Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

ЖАДИДЛАР ҲАЛҚАСИ




...“Қамалдилар, отиб ташландилар”, дейиш осон! Аммо бу – қамалган, отиб ташланганларнинг оху нолалари, азобу хўрликлари, уларнинг хонавайрон бўлган оилалари, бола-чақалари, эрдан айрилган аёлларнинг фарёдлари, дарбадарликларини ҳамма ҳам бир дам кўз олдига келтириб, юракдан ҳис қила олади, дейсизми?..

(7-саҳифада ўқинг!)

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ОРЗУЛАР РЎЁБИ



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан халқимиз таклифлари ва муаллифлигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституцияси – бу нафақат ҳуқуқий ҳужжат, балки эл-юртимизнинг келажакка бўлган ишончи, тараққиёт ва фаровонликка интилишининг ёрқин ифодасидир. Жадидлар орзу қилган адолатли, эркин ва тараққий этган давлат қуриш ғояси бугунги кунда янги Қомусимиз тимсолида ўз рўёбини топди. Бу йил Конституциямизнинг қутлуғ 33 йиллигини кенг нишонлаймиз. Бош қомусимиз миллий давлатчилигимиз, суверенитетимиз, эришган ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Бугун янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаб бермоқда. Янгиланган Конституция миллий уйғониш даврининг ёрқин намоёндалари – маърифатпарвар жадид бобларимизнинг ғоялари ва орзу-умидларига ҳамоҳанглиги билан алоҳида аҳамиятлидир. Миллатнинг ўз Конституциясига эга бўлиши – жадидларнинг буюк орзуларидан бири эди. Улар ёзган “Маромнома”, аслида, ана шундай ҳуқуқий ҳужжатга интилишнинг илк намунаси сифатида тарих солномаларига муҳрланган. Ушбу “Маромнома” – Туркистон Мухторияти ҳукумати томонидан қабул қилиниши режалаштирилган бир дастур, сиёсий платформа ёки бошқарув тамойилларининг баёнидир. “Маромнома”га кўра, Туркистонда ташкил этилажак халқ жумҳурияти қонун чиқарувчи органи – парламентига эга бўлиши ва унга аъзолар синфи, дини ва мазҳабига кўра мансублигидан қатъи назар, умумий, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан сайланиши кўзда тутилган.

(Давоми 2-саҳифада.)

BUGUNNING SHE'RI

КОНСТИТУЦИЯМ МЕНИМ

Ўзбекистон десам дилда гул иси, Юракда уйғонар ғурур туйғуси. “Маромнома” деган жадид боблар, Бош қонуним меним – бахтим қомуси!

Ўтди қонунлардан беҳабар замон, Аждодлар қалбиди миллат қайғуси. Қўлимда машъала, бошда соябон, Бошпаноҳим меним – бахтим қомуси!

Қонун-қонидани билган адашмас, Ҳаққини билганга омад кулғуси. Доно билан ҳеч ким масал талашмас, Суянч тоғим меним – бахтим қомуси!

Қонунлар тилида сўзлашамиз биз, Биздан озод, обод Ватан қолғуси. Бизлар учун қанот бўлажак шаксиз Хумо қушим меним – бахтим қомуси!

Ишонч чироқ ёқса, чекинар қайғу, Бошимизда йўлчи юлдуз ёғдуси. Янги Ренессанснинг гаровидир бу Конституциям меним – бахтим қомуси!

Шукур ЛАТИФ

СУҲБАТ



ТАСАВВУР ВА ТАФАККУР

АМЕРИКАЛИК ТАНИҚЛИ ЖАДИДШУНОС БИЛАН ТАРЖИМОН МУЛОҚОТИ

Таҳририятимиз меҳмони, америкалик таниқли тарихшунос Адиб Халид қаламига мансуб “Туркистонда жадидчилик” (The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia) илмий асари яқинда нашр этилиб, китобхонлар қўлига етиб борди. Маҳаллий архив манбаларига таяниб, чуқур тадқиқотлар эвазига яратилган китоб юртимизнинг яқин тарихи чуқур тадқиқ этилган инглиз тилидаги дастлабки рисола саналади. Қуйида муҳтарам олим Адиб Халид билан рисола таржимони Шарифжон Аҳмад суҳбатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Шарифжон Аҳмад:

– Ҳурматли Адиб Халид жаноблари, ассалому алайкум! Аввало, “Jadid” газетасининг кўп минг сонли муштарийлари ҳамда “Туркистонда жадидчилик” номли китобингиз Ўзбекистонда нашр этилишида меҳнатлари синган Ёшлар ишлари агентлигининг “1000КІТОВ” лойиҳаси ҳамда “Академнашр” жамоаси номидан Сизга чуқур ҳурматимизни изҳор этамиз. Ушбу рисо-

ла айна пайтда олий ўқув юртлари ва кутубхоналарга етказилиб, жадид ҳаракати тарихига бефарқ бўлмаган китобхонлар томонидан қизиқиш билан ўқилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, шу асар ва бошқа илмий тадқиқотларингиз юзасидан айрим саволларимизни берсак.

(Давоми 2-саҳифада.)

ИЖОДХОНА

ИЛҲОМ МАНБАИ – ҲАЁТ

Ўзбекистон халқ рассоми Сарсенбай БАЙБОСИНОВ билан суҳбат

– Асарларингиз билан яқиндан танишиш жараёнида уларда миллий руҳ жуда кучли акс этганига гувоҳ бўлдик. Бу ҳолат, албатта, ижод маҳсулини халққа яқинлаштиради. Санъат асариди халқ руҳиятини ифода этиш учун қайси жиҳатларга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

– Чирогим, рассом атайин халқ руҳини берай, деб мўйқалам тутмайди. Унинг қалбиди ўзи ўсиб-ўлғайган заминни, нафас олган муҳити, эшитган куйи, кўрган ранглари абадий муҳрланиб қолади. Шу сабабли ҳам, ижодий ишларимда қорақалпоқ халқининг ҳаёти, урф-одатлари, либослари, қадимий нақшлари, халқ оғзаки ижодини тасвирлаб роҳатланаман. Бу менинг туб илдизим, болалигимдир. Менимча, рассом учун энг муҳими – маънавий бойлик. Чунки ижодкорнинг кучи унинг ички дунёсида, юракнинг тозаллиги ва самимиятидадир. Агар рассом ўз иши орқали одамларнинг қалбига бир нур, илиқлик бера олса, у ўз вазифасини адо этган ҳисобланади. Ҳар бир асар аслида томошабинга аталган соғға. Уни халқ кўриб, ҳис қилмаса, уйламаса, завқланмаса, демак, асар ўз вазифасини бажармаган.

Қорақалпоқ халқининг руҳида бир сокин куч, шуқуқ бор. Уларнинг ҳаётга, табиатга, меҳнатга бўлган муносабати, ҳаёт фалсафаси мен учун доимо илҳом манбаи бўлиб келади. Асарларимда шу руҳ, шу ҳалоллик ва самимиятни етказишга интиламан.

(Давоми 3-саҳифада.)

ФАКТ

- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокида Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгагининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.
- ✓ Сирдарёдаги 9 та туман-шаҳар ҳокимлари Хитойга бориб, Сирдарё эркин саноат зонасидаги лойиҳаларни инвесторларга тақдимот қилиб келади. Шунингдек, Хитой билан ҳамкорликда Гулистонда янги савдо-саноат зонаси ташкил қилинади.
- ✓ Шавкат Мирзиёев Президент Олимпиадаси ўйинларининг ғолиб ва совриндорлари ҳамда барча иштирокчиларига табрик йўллади.
- ✓ Президент Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева Махсус комиссия йиғилишидан сўнг мутасаддилар билан биргаликда экологияни зарарлаётган иссиқхоналарни текшириш бўйича тунги рейдда иштирок этди.


ФАНИЖОН АБДУРАҲМОНОВ 100 ЁШДА

ЧИН СИНЧИ

Тилнинг ғоят мукамал ва беназир муҳташам бир саноат эканлиги қундай равшан ҳақиқатдир. Бу саноатнинг бутун мағзу моҳияти, жонзотга инсон деган олий рутбани ато этмоқдай азалий ва абадий вазифаси бу сеҳркор қудратда зоҳир бўладиган минг бир хил мазмун замзамаларию сарҳадсиз тасвир ва таъсир имкониятларининг қўламини тасаввур ва тахайюл этмоққа кўпда инсон ақли ожизлик қилади. Зеро, улғур Алишер Навоий инжа таъбир ила шундоғ демиллар:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

(Давоми 6-саҳифада.)





ОРЗУЛАР РЎЎБИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Сайловда шариат доирасида хотин-қизлар ҳам иштирок қилишлари мумкин, дейилган.

Жадидларнинг бош ғояларидан бўлган таълимни ривожлантириш, замонавий мактаблар очиб масаласи ҳам "Маромнома"да алоҳида ўрин тутган. Иқтисодни, саноят ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали халқнинг турмуш даражасини ошириш зарурлиги таъкидланган. Халқнинг давлат бошқарувида иштирок этиши, сайловлар орқали ўз вакилларини сайлаш ҳуқуқи каби демократик тамойиллар ҳам унда ўз аксини топган.

"Маромнома" миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ҳуқуқий давлат қуришга бўлган асрий интилишларини акс эттирган муҳим тарихий ҳужжат сифатида биз учун қадридлидир.

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг асосий мақсади – Ўзбекистонни ижтимоий, ҳуқуқий ва дунёвий давлат сифатида мустақамлаш, инсон қадрини олий қадрият даражасига кўтариш ва ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини сўзсиз таъминлашдан иборат. Конституция инсон қадрини олий қадрият деб билади. Унда инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамма нарсадан устунлиги принципи мустақамлаб кўйилган. Давлатнинг барча фаолияти инсон ва унинг манфаатларига қаратилгани қатъий белгиланган.

Конституцияга кўра, давлат аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, фуқароларнинг уй-жой, меҳнат, тиббий хизмат ва таълим олиш ҳуқуқларини кафолатлаш мажбуриятини зиммасига олади. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, адолатли суд қарорлари, ҳар кимнинг маънавий ҳақлари ҳимоя қилиниши кафолатланади. Унда "Ҳар ким сифатли таълим олиш ҳуқуқига эга"лиги мустақамлаб кўйилган. Давлатнинг умумтаълим мактабларини бепул қилиш, олий таълим тизимини ривожлантириш, илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш каби мажбуриятлари белгиланган.

Конституциянинг 50-моддасида "давлат жамиятнинг ижтимоий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратди", дея таъкидлангани жадидлар ғояларига ғоят уйғун ва Ҳамоҳангдир.

Жадидлар ўз даврида қонун устуворлиги, барчанинг қонун олдида тенглиги ва ҳаққоний судлов тамойилларини орзу қилган бўлса, Янги Ўзбекистонда "Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятдир", деган норма Конституциянинг руҳини белгилайди. Жадидлар миллий тил, маданият, тарих ва урф-одатларни асраш, миллий онгини уйғотишга катта эътибор қаратган. Уларнинг фикрича, миллат ўзлигини англамасдан туриб, тараққий эта олмайди.

Янгиликлар Конституцияда ўзбек тилининг давлат тили мақоми, унинг ҳимояси ва ривожланиши, "Ўзбекистоннинг маданий мероси давлат ҳимоясида" экани, фуқароларнинг миллий ва маданий ўзлигини сақлаш ҳуқуқи кафолатланган.

Конституция – ҳар биримизнинг Қомусимиз, унинг ҳар бир нормасига амал қилиш, уни асраб-авайлаш ва унда белгиланган қадриятлар руҳида яшаш – ҳар бир ўзбекистонликнинг муқаддас бурчидир.

Жамолиддин БАДАЛОВ

давлат томонидан ҳимоя қилинади. Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Бу экологик муаммоларнинг олдини олиш ва соғлом ҳаёт кечириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари кенгайтирилди, уларга давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш имкониятлари яратилди. Эркин ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги Конституциявий даражада кафолатланди. Бу ҳуқуқларнинг барчаси жадидлар орзу қилган жамиятда яшаётганимизни аналтади.

Жадидлар ўз даврининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, мамлакатнинг қоқлиги ва халқнинг қашшоқлигига чек қўйишнинг ягона йўли – бу адолатли бошқарув, илғор таълим тизими ва иқтисодий мустақиллик эканини таъкидлаган. Нафақат билим тарқатиш, балки халқни ўз ҳуқуқларини англашга, ўз тақдирига бефарқ бўлмаликка даъват этган. Улар бундай давлатнинг пойдевори халқнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи, давлат бошқарувини тартибга солувчи олий қонун – Қомус бўлиши кераклигини теран англаб етганлар.

Жадидлар ҳаракатининг асосий ўзаги таълим ва маърифат эди. Улар "жаҳолатдан – нурга", "қоқоқликдан – тараққийга" ўтишнинг ягона йўли илм-маърифат эканини қатъий уқтирган. Усули жадид мактабларини очиб, дунёвий фанларни ўрганиш, хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш – уларнинг дастурий мақсадлари эди. Жадидлар миллатнинг келажаги илми ва маърифатли ёшлар қўлида деб билган.

Янги Ўзбекистоннинг янгиликлар Конституцияда ҳам таълимга алоҳида эътибор қаратилган. Унда "Ҳар ким сифатли таълим олиш ҳуқуқига эга"лиги мустақамлаб кўйилган. Давлатнинг умумтаълим мактабларини бепул қилиш, олий таълим тизимини ривожлантириш, илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш каби мажбуриятлари белгиланган.

Конституциянинг 50-моддасида "давлат жамиятнинг ижтимоий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратди", дея таъкидлангани жадидлар ғояларига ғоят уйғун ва Ҳамоҳангдир.

Жадидлар ўз даврида қонун устуворлиги, барчанинг қонун олдида тенглиги ва ҳаққоний судлов тамойилларини орзу қилган бўлса, Янги Ўзбекистонда "Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятдир", деган норма Конституциянинг руҳини белгилайди. Жадидлар миллий тил, маданият, тарих ва урф-одатларни асраш, миллий онгини уйғотишга катта эътибор қаратган. Уларнинг фикрича, миллат ўзлигини англамасдан туриб, тараққий эта олмайди.

Янгиликлар Конституцияда ўзбек тилининг давлат тили мақоми, унинг ҳимояси ва ривожланиши, "Ўзбекистоннинг маданий мероси давлат ҳимоясида" экани, фуқароларнинг миллий ва маданий ўзлигини сақлаш ҳуқуқи кафолатланган.

Конституция – ҳар биримизнинг Қомусимиз, унинг ҳар бир нормасига амал қилиш, уни асраб-авайлаш ва унда белгиланган қадриятлар руҳида яшаш – ҳар бир ўзбекистонликнинг муқаддас бурчидир.



Бошланиши 1-саҳифада.

Адиб Холид:

– Ваалайкум ассалом! Мен ҳам, ўз навбатида, сизларга ушбу сазъ-ҳаракатларингиз учун ташаққуримни билдиришдан мамнунман. Марҳамат.

Шарифжон Аҳмад:

– Сиз Покистоннинг Лоҳур шаҳрида туғилиб ўсгансиз. Покистон эса Марказий Осиё минтақаси билан маданий ришталарига кўра тарихан боғланган юрт. Туркистондаги сиёсий ва маданий эврилишлар мавзусига қизиқишингиз шу жиҳат, яъни яхлит бир минтақага дохиллик ҳисси билан боғлиқми ёки бошқа сабаблари ҳам борми?

Адиб Холид:

– Албатта, сиз айтётган ҳолат бу минтақага қизиқишларим деб ҳисобланади. Авваллари бизнинг мактаб дарсликларимизда Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фарғонаю Андижон кўп тилга олинган, аммо аста-секин мавзулар ўзгариб, булар эсдан чиқа бошлади. Совуқ уруш ҳукмрон бўлган 1970–1980 йилларда Ўзбекистон худди ўзга сайёрадаги олис бир жойдай тасаввур қилинар, у юртга саёҳат қилиш тугул, шундоққина энимизда жойлашган бу минтақанинг шу кунлардаги ҳаёти ҳақида тузуқ-қуруқ маълумот топиш ҳам маҳол эди. Ўзбекистон, ва умуман, Ўрта Осиёнинг бизга шунчалар яқин, аммо айни пайтда қўл етмас ва олис, бизга шунчалар уқша, аммо айни дамда шу қадар фарқли экани – айнан шу ҳолат менинг бу минтақага айрича қизиқишимга боис бўлган, деб айта олам.

Шарифжон Аҳмад:

– Илк бор 1998 йилда дунё юзини кўрган "Туркистонда жадидчилик" китоби дастлабки йирик тадқиқотларингиз жамланмаси ҳисобланади. Бу китобни яратиш йўлида ўзбек, турк ва рус тилларини ўрганиб, маҳаллий архивларда узоқ изланишлар олиб боришингиздан ҳабардоримиз. Ўзбекистонга биринчи марта совет тузуми ҳали оёқда мустақам турган бир даврда келгансиз. Уша пайтларда мавзунгиз бўйича бу ерларда тадқиқот олиб боришингиз қийин бўлмаганми?

Адиб Холид:

– Тўғри айтдингиз, мен Ўзбекистонга чиндан ҳам илк бор 1985 йили келганман. Аммо у пайтларда ёш эдим, бирор тадқиқот олиб боришга яроқли тажриба ва билимим етарли эмасди ҳали. "Спутник" деб номланган халқаро ёшлар сайёҳлик ташкилоти ёрдамида Ўзбекистонда бор-йўғи 10 кун бўлган эсам-да, советлар давридаги ҳаётнинг озми-кўп жиҳатлари билан таниша олганимдан мамнунман. Орадан олти йил ўтиб, яъни 1991 йилда дастлабки илмий-тадқиқот сафари билан юртингизга яна келишга муваффақ бўлдим. Бу пайтда вазият анча ўзгарган, аммо ўзим қўл уришга бел боғлаган мавзу ҳамон янги ва долзарб эди.

Шарифжон Аҳмад:

– Энди бевосита китобингизга мурожаат қилсак. Унда "Жадидчилик сарчашмаси" деб номланган учинчи боб қуйидаги тасвирлар билан бошланади: "1899 йили йиғирма беш яшар йигит Самарқандда Закаспий темир йўлига қарашли поезда ўтириб, Истанбул, Қоҳира ва Маккаи кўзлаганча Закавказье сари йўлга отланди. ...Ўзига ҳали нотаниш юртлар бўйлаб кезар экан, Бехбўдий Усмонлилар империяси ва Мисрда кенг қулоч ёза бошлаган халқ таълими тараққийини зўр қизиқиш билан кузатар, бу ўлкаларда маданий ислохотлар бошида турган таниқли арбоблар билан учрашиб, ҳамсуҳбат бўлар эди". Бундан маълум бўлишича, ўша даврнинг муслмон зиёлилари, чор ҳукумати истилоси остида бўлса ҳам, бошқа юртларга саёҳат қилиб, маслақдошлари билан яқин мулоқотларда бўлган. Бошқа юртлардаги ислохотлардан таъсирланган Туркистон жадидлари ўлкада ўзига хос, айрича йўлдан кетдики ёки умумий оқимнинг узвий бир бўлаги сифатида фаолият юритдимми? Сизнингча, Туркистон жадид ҳаракатининг ўша давр муслмон оламидаги бошқа ислохотчилик ҳаракатларидан муҳим фарқлари нимада эди?

Адиб Холид:

– У пайтларда муслмон модернизми бутун ислом оламида кенг қулоч ёза бошлаганди. Матбуот ва телеграф, ҳаракатланишни қўллаштираган темир йўллар ва денгиз йўллари ривожланиши туфайли ҳам бундай ғоялар қўллаб муслмон юртлари ўртасида эмин-эркин ёйлаётган замон эди. Сиз эслаб ўтган Маҳмудхўжа Бехбўдий фаолияти айнан мана шу

ҳодисанинг ёрқин мисоли бўла олади. Шу билан бирга, бу ойдинларнинг аксари маҳаллий муҳит доирасида иш олиб борган. Уларнинг ҳаммасида ўзига яраша ташвиш-муаммолар бор эди, улар сиёсий чекловлар туфайли ҳаминқадар имконлар меъёрида фаолият юритди. Шу сабабли ҳам, муслмон модернист ислохотчилигини бир бутун ва яхлит ҳодиса, деб айта олмаيمиз.

Туркистон жадидлари мустамлака шароитида фаолият олиб борган бўлса-да, бу тизим Британия империяси Ҳиндистон ёки Мисрда ўрнатган мустамлакачилик тартибидан тубдан фарқланар, ҳатто шундайки, Туркистондаги бошланғич таълимни тубдан ислох этишга интилишларида кўрамизки, бундай жиҳатни муслмонлар Ҳиндистон ёки Мисрда кузатмаймиз. Туркистон жадидларини бошқалардан ажратиб турувчи иккинчи муҳим жиҳат – улар туркийликка (асло пантуркизмга эмас) мафтун бўлди ва бу мафтунлик, айниқса, 1917 йилдан сўнг яққол кўзга ташланди.

Шарифжон Аҳмад:

– Бир тарафдан, жадид ҳаракати мустамлака сиёсатининг маҳсули бўлган, бошқа томондан эса Туркистон муслмон жамиятининг фақат ўзигагина хос тадрижий тараққийи самараси эди, дейиш мумкинми? Бу қабилидаги икки хил қарашни қай тарзда бирлаштириш мумкин?

Адиб Холид:

– Жадид ҳаракати мустамлака сиёсатининг маҳсули эмас, балки айнан мана шу сиёсатга жавоб эди. Бу ҳаракат Туркистон муслмон жамиятининг янгиша шароитда маданий тараққийи натижаси ўлароқ юзага келди. Мазкур шароит Ўрта Осиё сарҳадларидан ташқаридаги бошқа муслмон жамиятлари билан бошланган янги муносабат ва мулоқотларни ўзига мужассам этган эди. Усмонлилар салтанати Туркистон жадидлари учун, афтидан, бу сингари мулоқотларнинг фавқулодда муҳим манзили эдики, усмонлилар андозаси не қадар қадри ва жоизлиги бўлганини, айниқса, Бухоро мисолида аққол кўра оламиз.

Шарифжон Аҳмад:

– Туркистон жадидлари фаолиятини ўрганган баъзи олимлар бу воқеликни миллий озоқлик курашига деб ҳисоб қилган мафкура ва қамровли ҳаракат, деб баҳолашга мойил бўлса, яна бошқалари жадидларни ислохотчилик мунозараларидан нарига ўтмаган соф маданий лойиҳа сифатида кўради. Агар биринчи қарашни қабул қилсак, нега айрим жадидлар Қўқон мухториятини жонбозлик билан ёқлашдан тийилиб, ундан кейинги "босмачилик" ҳаракатига ҳам катта шубҳа билан қаради? Ёки уларни маданий лойиҳа иштирокчилари дебгина қабул қилсак, бу "беозор" гуруҳни советлар тузуми кейинроқ нима сабабдан барибир ёппасига (айримларини истисно) қатлиом қилди? Тафовутли бу икки ёндашуви ҳам ўзаро муроасага келтирувчи асослар борми, сизнингча?

Адиб Холид:

– Жадид ҳаракатининг турли даврларини фарқлашда эҳтиёткор бўлишимиз лозим. Маълумки, 1917 йил инқилоби жамиятда кескин бурилиш ясаган. Инқилобга қадар бўлган жамиятда давлат Исломга нисбатан тоқатли муносабатда бўлса-да, маҳаллий аҳолининг сиёсий жараянларда иштирок этишини истисно қилган. 1917 йилдан кейин эса вазият тамомила ўзгарди ва энди қўллаб жадидлар келажакка умид боғлаб, инқилоб туфайли юзага келган имкониятларни иштиёқ билан қарши олди. Улар фаолиятида шиддаткорлик пайдо бўлди, айримлари ҳатто сиёсий ҳокимият ҳилловини тутишга (айниқса, Бухорода) муваффақ бўлди.

Жадид ҳаракати яхлит ва турғун мафкура эмасди. Янгиша шароит ва имкониятлар пайдо бўлиши ёки булар йўқолиши баробарида

бу мафкура ҳам эврилишларга учраб, ўзгариб турди. Қўқон (Туркистон) мухторияти эса, кўп жиҳатдан, кўзда тутилмаган тасодифий воқеалар маҳсули эдики, бир қанча омилар қатори ҳарбий қудратга ҳам эга бўлмаган жадидлар бу тузилмани ёқлай ёки муҳофазалай олмаслиги аён эди. Амалда бутун бошли давлат парокандаликка ҳо тутаётган у йиллар аёвсиз бир даврлиги маълумингиз. "Босмачилик" ҳаракатига ҳам шубҳа билан қараганларига келсак, жадидлар бу гуруҳнинг жамият, тараққий, ўзгариш ва янгилаштирил борасидаги зиддиятли қарашларини қабул қилмас, бунинг устига, ҳар иккиси жамиятнинг бошқа-бошқа қатлами намояндалари эди.

Вақт ўтган сайин советларнинг жадидларга нисбатан ганимликчи ҳам кучайиб борди. Оёққа қўл олган совет ҳокимияти, айниқса, 1930 йилларда, сиёсий майдонда яққақимликни сақлаб қолишни ҳаётий зарурат деб билди ва мафкуравий жиҳатдан шубҳали унсурларни йўқотиш пайига тушди.

Шарифжон Аҳмад:

– "Туркистонда жадидчилик" китоби илк бор нашр этилганидан буён 27 йил ўтибди. Асарнинг муқаддима қисмида ўтган асрнинг дастлабки даври тадқиқ этилган жиддий рисолалар қамбўлиги, борлари ҳам масалага асосан Ўрта Осиёни тушуниқсиз шарқий экзотика тарзида кўришга мойил совет фани призмаси орқали ёндашганига эътибор қаратиб, ўзингиз қўл урган ушбу тадқиқот ёрдамида ўша сақталган тузаотиб, бу борадаги мувоzanатни тўғрилашга уринганингизни билдирасиз. Ушбу китобдан сўнг яна бир неча рисолалар яратдингиз. Умуман олганда, Фарб илмий доираларида мазкур минтақа, хусусан, Ўзбекистон тарихини тизимли ўрганиш борасида сезиларли силжишлар содир бўлдики ёки бу мавзу ҳамон тор илмий доираларнинг хос қизиқиш объекти сифатидагина қолмоқдами?

Адиб Холид:

– Ҳа, шундай, китоб нашр қилинганидан буён ўтган 27 йил давомида кўп ўзгаришлар содир бўлди. Бу китоб чиндан ҳам Ўрта Осиёнинг энг янги тарихига доир инглиз тилида битилган ва архив манбаларига асосланган илк рисола эди. Гарчанд, ушбу минтақани экзотиклаштириб, биргина рус тилидаги манбаларга таяниб ёзилган ишлар ҳали-ҳамон пайдар-пай чоп қилинаётган бўлса-да, умумий ҳолат энди барибир бошқача. Инглиз, француз, олмон, италян, шунингдек, япон тилида нашр қилинган ҳамда архив ва матбуот манбалари билан жиддий шуғулланиш натижасида яратилган кўплаб теран тадқиқотлар нашр этилгани қувонarli ҳолдир. Аммо бу, Марказий Осиё тарихи Фарба кенг миқёсда оммалашди, дегани эмас. Бу ҳамон тор, шу билан бирга, салмоқли ютуқларга эришган хос соҳалигича қолмоқда.

Шарифжон Аҳмад:

– Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда жадидлар меросига қизгин қизиқиш ҳам, кейинроқ мўътадил муносабатлар ҳам кузатилди. Яқин йиллардан буён эса бу борада яна кўтарилиш палласига гувоҳ бўляпмиз. Бугун Марказий Осиё республикалари кўп соҳаларда ўзаро яқинлашувга интилаётган бир даврда, бу худудни яхлит Туркистон ўлароқ англаган жадидларнинг ғоя ва қарашлари минтақа учун қанчалик муҳим?

Адиб Холид:

– Тўғри айтасиз, Ўзбекистонда жадидшунослик бир қанча босқичларни босиб ўтди. Ҳозирги вазият биргина Марказий Осиё омиларининг ўзаро ҳамкорлиги эмас, уларнинг хоржий мамлакатлардаги бошқа ҳаммаслаклари билан илмий алоқаларига ҳам шароит яратди. Бу борадаги эркинлик тўхтаб қолмасдан, ўзаро ҳамкорлигимиз янада чуқурлашуви, архивлар эшикларини эса яна ҳам кенгрок очиладиган умидимиз катта.

Шарифжон Аҳмад:

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаққур.

Адиб Холид:

– Суҳбатдан камини ҳам мамнун бўлдим.



Бошланиши 1-саҳифада.

Менимча, санъат орқали халқ руҳини ифодалаш – бу фақат эстетик масала эмас, балки маънавий бурчдир. Рассом Ватанини севмаса, халқнинг оғригини, қувончини хис қилмаса, у ҳеч қачон чинакам асар ярата олмайдди. Шу боис, суратларда ўтмиш билан бугунни, дард билан орзуни, кечмиш билан келажакни бирлаштиришга ҳаракат қиламан. Ижодкор учун энг катта мукофот – халқ юрагига йўл топиш.

– Картиналарингизда ранг ва фактура жуда муҳим роль ўйнайди...

– Мен учун ранг – бу сўз, фактура эса унинг оҳанги. Рассом учун ранглар – бу ҳис-туйғуларнинг тили, руҳнинг товуши. Ҳар бир рангда бир маъно, бир рамз яширинган. Бўёқлар орқали фақат шакл эмас, балки ҳисни, кайфиятни, ҳаётнинг ўзини ифодалашга интиламан. Фактура эса, асарга ҳаёт бахш этувчи куч. У бўёқларнинг чуқурлиги, ҳаракати, энергиясини беради. Фактурасиз расм жимжит бўлади, товушсиз қолади. Мен фактура орқали асарни “нафас олдираман”, жонлантираман. Демакки, фактура мен учун техника эмас, балки туйғу ифодаси, бўёқнинг ўз овозидир.

Бу услубни ўзим топганман, у менга эркинлик беради. Чунки ижодда эркинлик бўлмаса, самимият ҳам бўлмайдди. Баъзида илҳом узоқ куттиради. Аммо шундай лаҳзалар бўладики, ҳаммаси бир пайтда юракдан отилиб чиқади, ранглар ўз жойини топади, шакллар бир-бирига уланади, бўёқлар гўё қўлни эмас, юракни бошқаради. Ана шундай онларда ҳақиқий санъат асари дунёга келади.

– Сиз кўпроқ нимадан илҳомланасиз?

– Ҳаётнинг ўзидан. Рассом учун энг муҳими – ҳаётни севиш, уни хис этиш ва ҳар лаҳзадан завқланиб билишдир. Болалигимда чўл манзараларини, шамолнинг қумни қандай силлашини, дарё тўқиларининг сўзсиз мусиқасини, қуёшнинг уфққа сингиб боришини кузатардим. Бу манзаралар қалбимда ўчмас ўз қолдирган. Бугун эса ўша болалик хотиралари, ўша ранг ва товушлар асарларимда қайта тирилади. Чунки табиат – абадий дарслик, унда ранг, шакл ва туйғу уйғунлиги мукамал акс этган.

Шу ўринда Орол денгизи ҳақида ҳам тўхталишни зарур деб биламан. Сабаби, у ҳам ҳар бир ижодкорга турлича илҳом бахш этади. Бугун унинг сув худуди ўрнида тўз қатламлари, қаньонлар ва қумлоқ водийлар пайдо бўлганини кўраман. Рассом кўзи билан қараганда, бу манзаралар табиатнинг ўзи яратган улкан мўъжизалардек туюлади. Кошки эди, бу гўзалликлар ҳақиқатдан ҳам табиатнинг инъомидан бўлганида...

Илгари сув билан тўлган бу масканда ҳозир ернинг табиий рельефи, денгиз тубининг қолдиқларини кўриб, киши беихтиёр ўйга толади. Айрим жойларда 15–20 метр баландликдаги



ИЛҲОМ МАНБАИ – ҲАЁТ

қўялар ва жарликлар кўзга ташланади. Қуйроққа тушсангиз, ўта қизқарли рельеф шакллари, табиий даралар ва туз билан қопланган водийлар намоеъ бўлади. Бу манзаралар инсон кўзини қувнатиб билан бирга, қалбда соғинч уйғотади – аввалги денгиз кўринишига, унинг тўқиларига бўлган соғинч.

Одам жароҳатига қараб тургани билан битиб қолмайди, унга малҳам босиши ва тузалашига ҳаракат қилмоғи керак. Бугун Оролнинг қуриган туби “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида яшил “денгиз”га айланаётгани кишига таскин беради. Қўчат шаклида экилган, уруғи сеиплаётган ўсимликлар гуржираб, Оролнинг жароҳатига боғланган яшил тасмага айланади. Ниятимиз шунки, бир кун денгиз тўлади, ана шунда бу буталар сув остида солланиб туради...

Мен учун табиат ва инсон руҳи бир-биридан ажралмас. Чунки инсон – табиатнинг бир бўлаги, унинг давомидир. Шу боис, асарларимда инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлиқни, уларнинг бир-бирига таъсирини ифодалашга интиламан.

– Бугунги кунда Жоллибай Изентаев номидаги Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ранг-таъсир фани ўқитувчиси сифатида ёш авлодга маҳорат сирларини ўргатиб келмоқдасиз. “Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар”, деб ёзади шoir. Устозларингиз ҳақида қандай берадиз?

– Устозлар ҳақида гап кетганда, Ўрол Тансиқбоев, Қорахон Қориев каби санъат усталарини айрича эҳтиром билан тилга оламан. Улар ўз даврида Туркистон авангард санъатининг пойдеворини қўйган, ўз услуби, ўз фалсафасини яратган рассомлардан эди. Тансиқбоевнинг ишларида табиатнинг овозини юрак уришидек хис қилиш мумкин. Қориев ижодида эса миллийлик билан замонавийликнинг бетакрор уйғунлиги

кўзга ташланади. Бу зотлар нафақат санъатда, балки ҳаётда ҳам бизга ўрнак бўлишган. Бугун Жолдасбек Қуттимуратов, Ислам Жаксибаев, Музаффар Ишанов, Ольга Жолдасова, Василий Логотов каби санъаткорлар устозлар ўйлини муносиб давом эттирмоқда, деб ўйлайман.

Рассомликда аънава жуда муҳим. Бугун янги авлод санъаткорлари ҳам ана шу устозлар йўлини давом эттирмоқда. Уларнинг ижодида ҳам ўтмиш меросига ҳурмат ва замонавий ифода уйғунлашганини кўриб, фойдаланаман.

– Гап ўз-ўзидан ҳозирги ёшларга уланди. Ютуқларимиз ўзимизники. Шу ўринда ёш рассомларга нималар етишмаётганига тўхталиб ўтсангиз.

– Менимча, энг аввало, сабр, изчиллик ва меҳнатсеварлик етишмаяпти. Бугунги авлод биздан-да истеъдодли, замонавий фикрлайди, технологияларни яхши билади. Аммо шошқалоқлиги бор, натижани тезроқ кўришни истаيدди. Санъатда шошиш ярамайди, бу йўл поғонамапоғона, аста-секинлик билан босиб ўтиладиган йўлдир.

Ёшларга маслаҳатим: кўпроқ ўқисин, жаҳон санъати тенденцияларини кузатсин, ҳавойи кибрни четга суриб, арзон-гаров шуҳратга учмай ва тез келиб-кетадиган бойлик кетидан қуммай, камтарлик билан устозлардан сабоқ олсин. Устоз фақат йўл кўрсатувчи эмас, руҳий таянч ҳамдир. Мен доим айтаман: рассом бир умр шоғирд бўлиб қолади. Чунки урганишининг, изланишининг чек-чегараси йўқ. Ҳар янги кун – янги дарс, ҳар янги асар – янги синов. Асл рассомлик эса бу шон-шуҳрат учун эмас, балки ички эҳтиёж учун ижод қилишдир. Шу боис ёшлар, аввало, ўзини тинглашини, ўз руҳини эшитишни ўрганиши керак.

– Айни пайтда Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзосисиз. Академик сифатида рассомликда аънаваний ва замонавий услублар ўртасидаги муносабатларга фикр билдирсангиз. Тасвирий санъатни фақат ҳослар эмас, кенг халқ оммаси ҳам тушуниши учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

– Бу жуда нозик савол, аммо ҳар бир рассом учун муҳим масала. Санъат доимо ўсишда, ҳаракатда. Вақт ўтган сари янги технологиялар, янги ифода воситалари, янги гоғлар пайдо бўлади. Аммо шу янгиланишлар ичида илдизни унутмаслик, ўз миллий руҳи, ўз замини билан боғлиқлигини йўқотмаслик – рассомнинг энг катта масъулияти. Мен учун миллий руҳ – бу таянч, замонавийлик эса ифода воситаси. Иккиси бир-бирини тўлдирди, бойилади. Чунки санъатда фақат янгилик излаб, ўтмишни унутиш – бу илдизсиз даракхта ўхшайди. Аммо фақат аънавага таяниб, янгиликдан қочиш оқибатида рассом тўхтаб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Рассом ана шу икки кутб ўртасида мувозанат топа билиши керак.

Менимча, рассомнинг энг муҳим вазифаси инсонни тафаккурга ундаш, руҳлантириш ва ҳаётнинг ички гўзаллигини эслатишдир. Агар рассом яратган асар томошабиннинг қалбига етиб борса, уни уйлантирса, ҳаётга бошқача назар билан қарашга ундаса, демак, у ўз бурчинини адо этган бўлади. Ижодкор учун энг улуғ мукофот – бу томошабиннинг самимий раҳмати, чин дилдан айтилган эътирофи. Чунки санъат – юракдан чиқиб, юракка етадиган нозик туйғу.

Бироқ бугун дунёда шундай жараён кетаяптики, кўпчилик музейлар, санъат кўргазмаларига боришни истамайди. Бу манзиллар гўёки вақтнинг мазмунли сарфлаш учун муносиб эмас. Тўғри, ҳамма ҳам санъатни чуқур тушунавермайди, аммо гўзаллиқни хис қилиш учун уни, албатта, англаш шарт эмас. Ҳар қандай гўзаллик инсонни азғулукка етаклайди. Санъатни тўла тушунамасам ҳам ундан завқ олиш, руҳланиш мумкин. Масалан, бир жойда ниҳоятда чиройли гулни кўриб қолдингиз: ундан баҳра оласизми ё унинг номи, ватани, тури ҳақида билмаганингиз учун кўз юмиб ўтиб кетасизми?

Санъатдан хабардорлик зиёлилик, маданийлик белгиларидан бири. Шу боис, ўзимиз учун бўлмаса ҳам, фарзандларимиз, келажакимиз учун санъат билан ҳамнафас бўлишимиз керак.

– Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги арафасида “Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми” фахрий унвони билан тақдирландингиз. Юксак унвон билан тахририятимиз номидан муборакбод этамиз! Ушбу манзилга босиб ўтилган йўл ва ҳажонингиз билан бўлишсангиз.

– Раҳмат. Сўнги йилларда Янги Ўзбекистонда ижодкорлар учун яратилган шароитлар қўламини, эркинлик ва имкониятлар ақлни шоширади. Хусусан, бозор иқтисодиёти даврида санъатга, айниқса, тасвирий санъатга берилаётган эътибор – бу фақат моддий қўллаб-қувватлаш эмас, балки маънавий ишонч, ижодкор шахсига чуқур ҳурмат рамзидир.

Энг аввало, бугун рассом ўз фикрини эркин ифода эта олади. Санъат учун энг катта ютуқ шу. Чунки эркинлик санъатнинг асоси. Энди рассом ўз гоғсини фақат бўёқ ёки шакл билан эмас, ички кечинма, рамз, тимсоллар орқали ифода этишга журъат топмоқда. Бу эса ижодда янгича оҳанг, янгича қараш, янгича услубни тугдирмоқда.

Бугунги ислохотлар натижасида санъат оламининг эшиклари тобора кенг очилмоқда. Халққаро кўргазмаларда қатнашиш, хорижий рассомлар билан ижодий учрашувлар ўтказиш, турли мамлакатларда ўз ишларини намойиш этиши имкониятлари кенгаймоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан яратилган шароит ва берилаётган эътибор рассомларга илҳом бағишламоқда. Кўргазмалар, танловлар, ижодий уюшмалар, халққаро лойиҳалар нафақат ижодга, балки ўзини топишга, халқ билан янада яқинлашишга ёрдам беради. Менимча, ижодкор учун энг катта мукофот – бу ишонч ва эътирофдир. Санъаткор ўз меҳнатининг қадрини хис қилган жойда фидойилик билан ижод қилади. Биз санъат орқали нафақат чиройли манзаралар чизамиз, балки халқ руҳини, замон оҳанги, халқнинг орзуларини ранглар орқали ифода этамиз.

“Ўзбекистон халқ рассоми” унвонига сазовор бўлганим ҳақидаги хабарни эшитган онимни ҳаётимдаги унутилмас дақиқалар сифатида эспайман. Бундай эътироф умрини санъатга бағишлаган инсон меҳнатининг энг олий мукофотидир. Бу унвонни мен фақат ўзимнинг эмас, балки халқим, миллатим, санъатимиз тарихининг эътирофи деб биламан. Рассом ҳеч қачон ёлғиз ижод қилмайди, унинг ортида ўз юрти, тили, маданияти, замон руҳи туради. Мен ўзини шу руҳ билан бир бутун хис қиламан. Шу боис, бу мукофот менга қувонч, айни пайтда катта масъулият юклайди.

– Сарсенбай оға, самимий суҳбатингиз учун ташаккур! Ижодингизга барака тилай-миз, шўхқаламингиз яратаётган мўъжизалар сони ортаверсин!

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

ЎЙ АДАБИЁТ ЯШАСИН! ЯШАСИН АДАБИЁТ!

Миллат маънавияти ва интеллектуал салоҳияти учун масъулият қалам аҳли – шоир ва ёзувчилар зиммасига ҳам тушади. Аммо бугунги глобаллашув, рақамлашув, ижтимоий тармоқлар ҳукмронлик қилаётган шароитда фақатгина адабиёт вакилларининг ҳаракати билан маънавиятни кўтариб бўладими? Келинг, бу саволга жавоб излаб, реал воқеликни кузатайлик.

ИНТЕРНЕТ ОММАСИГА ЭРГАШАЁТГАН ҚАЛАМЛАР

Очиги, ижтимоий тармоқларда тарқаладиган кўпгина контентлар урф-одатларимиз, қадриятларимизга ёт. Катталар ҳам, болалар ҳам бу майдонда бир хил даражада “озикланаётган”ини кўраман. Муаммо ижтимоий тармоқда эмас, балки унинг имкониятидан қандай фойдаланишда... Таассуфки, ижодкорларнинг кўпчилиги “популяр” мавзулар орқали ўқувчи тўплашга ҳаракат қилмоқда. Аксарият қаламкашлар учун ижтимоий тармоқлар “қунлик газета” вазифасини ўтаётгани ҳам бор гап. Кўпчилик оммага танилиш, шуҳратга эришиш учун интернет оммасига эргашмоқда. Бу маънавий индустриянинг асосий сабаби нимада? Нега кутубхоналар, китоб дўконлари, театр ва кино заллари бормай қўйди?

Биз технологиялар асрида яшаймиз. Бугунги кунда онлайн китобхоналар сони тобора ошиб бораётганини инкор қилиб бўлмайди. Ҳар қандай жамиятда адабиётга муҳтож қатлам бор ва у ҳозирги кунда интернетда фаол. Халққаро фестиваллар, шеърят кечаларида иштирок этар эканман, шунга гувоҳ бўлдим: ҳозир кўпчилик китобхоналар адабиётни айнан онлайн ўқийди. Демак, ёшларга интернетда ҳам яхши китобларни танлашда, топишда йўл-йўриқ кўрсатишимиз шарт. Ахир, интернет бугун ахборот майдони экани билан бирга, тарбия воситасига ҳам айланиб улгургани рост-ку. Ҳозир сунъий интеллект ҳаётимизга жадал кира бериб келди. Бу жараён шунчалек тезки, у техник соҳалар баробарида адабиёт, психология, таълим,



журналистикага таъсир кўрсатмоқда. Кўп инсонлар сунъий интеллектга дардини айтаяпти, шеър ёзиб беришни сўраяпти, у билан фикрлашаяпти. Демак, инсон сўзга муҳтож. Бу эҳтиёж адабиётга интилиш янгича шаклда намоеъ бўлаётганини кўрсатади. Шуниси аниқки, сунъий интеллект инсон фикри, туйғуси, севинч ва аламларини ифода этадиган ҳақиқий бадий асар ярата олмайдди. Унинг ёзгани техник жиҳатдан беҳато бўлиши мумкин, аммо унда жонли хис-туйғулар бўлмайди. Шунинг учун ҳам, бугунги ёзувчи ва шоирлар ана шундай ясама ёзувлардан юксак, қалбга етадиган ҳақиқий асарлар яратиши керак.

Кечагина қоғоз китоблар ўрнини электрон китоблар эгаллаётганидан хавотирланар эдик. Бугун эса сунъий интеллект исталган пайтда “ёзувчи” ясаб бераётган даврда яшаймиз. Шундай бир пайтда биз адабиётни, ҳақиқий бадий сўзни, тарбия кучини йўқотмаслигимиз зарур. Буни интернетдан қўрққандек қўрқмасдан, аксинча, унда яхши асарлар, тарғибот материаллари, китоб тасвирларини кўпайтириш орқали амалга оширишимиз мумкин.

Интернет ва замонавий технологиялар бизга имконият берапти.

Масалан, юртимизнинг узоқ туманлари, чекка қишлоқларида китоб дўконлари йўқ. Китоблар ёки электрон китоб ўқиш қурилмалари бўлмаган жойларда ҳам смартфон бор. Шундай вазиятда миллионлаб фойдаланувчилар учун бепул, қулай, сифатли электрон кутубхоналарни ишга тушириш лозим бўлади. Бу миллат саводини, таълим сифатини, тафаккур ва маънавиятни тиклашнинг замонавий ва энг тезкор йўлидир. Минг бор тақдорласак арзийди: ёшлар қаерда бўлса, адабиёт ҳам ўша ерда бўлиши керак.

КУТУБХОНАМИЗ ҲАМ, ЎҚУВЧИМИЗ ҲАМ КАМ

Давлат статистика агентлиги маълумотига кўра, 2021 йилда Ўзбекистон бўйлаб жами 402 та давлат кутубхонаси фаолият юритган. 37 миллионлик аҳоли учун бу рақам ачинарли даражада кам. Лекин бугунги реал ҳолатга қарайдиган бўлсак, инсонларни кутубхонага боришга мажбурлаш билан муаммага ечим топиб бўлмайди. Афсуски, интернет тармоғида ўзбек адабиёти, санъати, маданияти ҳақида мунтазам мақолалар, китоблар шарҳи, таҳлиллар чиқарадиган платформалар санокчи. Яқинда Тошкент универмаги ёнидаги китоб

дўконига бориб, у ердаги китобларни кўриб ҳавасимиз келди. Каталогга биноан китоблар нафақат мавзусига, балки ўша асар мансуб бўлган давлатига қараб ҳам тахланган.

Шаҳримизда русийзабон аҳоли учун бундай китоб дўконлари талайгина. Ваҳоланки, бутун бошли республикамизда рус тили аҳоли 1 миллионга ҳам бормайди.

ЭЛЕКТРОН КИТОБЛАР БОР, ЛЕКИН...

Айримлар оғиз тўлдириб “Бизда ҳам электрон китоблар бор-ку!” деб айтади. Аммо масала шундаки, аввало, электрон китобларнинг аксариятини китоб ҳолида топиш осон, яъни электронини қидиришга ҳожат йўқ, аслида.

Иккинчидан, анча йиллар олдин кам тиражда чиққан, бугунги кунда қайта нашр этилмаган китобларни нафақат электрон, балки китоб ҳолида ҳам топиш мушкул. Уларнинг асосий қисми кирилл алифбосида. Мактабда янги алифбода ўқиётган бола учун кириллчада китоб ўқиш – яна бир тўсиқ. Энг самарали ечим: ёзувчилар, олимлар, нашриётлар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида электрон базалар яратиш, ёшлар учун янги алифбодаги адабий порталларни кўпайтириш зарур.

Кейинги йилларда машҳур китоб дўконлари ҳам унчалик гавжум эмас.

Китоблар анча узоқ муддатда сотилади. Бу эса хусусий нашриётларнинг ишлаб чиқариш жараёни, маблағ айланмасига таъсир қилмай қолмайди. Онлайн савдо этишларини ривожлантириш, жараёнларни автоматлаштириш, китобхоналар билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиш бугун ҳар бир нашриёт олдига турган асосий вазифалардан биридир.

Илгари газета ва журналларда ҳар ҳафта ёки ҳар ойда янги чиққан китоблар рўйхати, шарҳ ва танқидлар чоп этиб бориладди. Бу аънава тикланиш керак. Китоб ўқилиши, муҳокама қилиниши, баҳолалиши билан қадри. Агар асар маҳаллий бозорда ўқилмаса, уни жаҳон бозорига чиқариш ҳақида ўйлашнинг ўзи маъносиз.

КИТОБ СОТУВЧИЛАРИ НИМА ДЕЙДИ?

Яқинда Чорсудаги китоб дўкони сотувчиси билан суҳбатлашиб қолдим. Мана, унинг фикрлари: – Илгари китобхоналарнинг кўпчилиги та-



Гулнора ЖҲУРАЕВА, Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетининг биринчи проректори, филология фанлари доктори, профессор

ниш эди. Чунки улар тез-тез дўконимизга келиб, нима янгилик бор деб қизиқишарди. Кўплари нархига қарамасдан янги китоб харид қиларди. Лекин охири йилларда бу манзара буткул ўзгарди. Энди фақат мактаб ўқувчилари ва талабалар, улар ҳам керак бўлган дарслик ёки тавсия этилган китоб учун келади. Афсуски, китоб дўконлари энди гавжум эмас. Матбуот кўшк (киоск)лари ҳам кўз ўнгимизда бирин-кетин ёпилаётгани ачинарли.

Кўпчилик китобларни интернет орқали буюртма қилмоқда. Биз ҳам шундай савдога ўта бошладик – секин бўлса-да. Бугун китобхона қозғода эмас, экранда ўқишни истаяпти, аудио тинглейпти. Адабиётга қизиқиш йўқолмаган, фақат бошқа шаклга ўтди. Баъзилар учун китоб кўтариб юриш оғир туюлади. Электрон китобнинг эса оғирлиги йўқ: арзон ва қулай.

Шундай экан, нега электрон китобларни оммалаштириш керак?

Ҳозир ота-оналарнинг кўпчилиги китоблар қимматлигидан нолийди. Улар орасида биринчи марта китоб харид қилаётганлари ҳам бор. Чунки китоб сотиб олиб ўрганмаган. Энди китобфурушлар ҳам авлиё эмас.

Кўплари на муаллифни танийди, на мавзунини билади. Шунчаки номини ўқиб, ёққанини танлаб беради. Биз азалдан китобхон халқ бўлганмиз. Китоб халқимиз орасида нондан ҳам азиз саналган. Энг асосийси, асл асарлар воситасида ўзининг, дунёқарашининг, тафаккурининг ва алал-оқибат жамиятнинг ўзгаришига ҳисса қўшган, шўхқаланиш аждодимиз деб фخرланамиз. Ана шу буюк халоскор хислат ошноси бўлган китобсевар авлодни тарбиялаш учун, аввало, ўзимиз қўлимизга китоб олишимиз зарур.



БИР ШЕЪР ТАЛҚИНИ

МАЪРИФАТ НУРИ ВА
ҲИҚМАТ ЗИЁЛАРИ

Агар маърифат нури ва ҳикмат зиёлари бўлмаса, у шеърият яшовчан бўла олмади. Янги давр, яъни XX–XXI аср ўзбек адабиётида маърифат тамойиллари ижодкорларнинг тарихга, тарихий шахслар ва мумтоз адабиётга бўлган муносабатлари орқали намоён бўлади. Насрда Ойбек, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Хайридин Султонов буюк тарихий шахслар ҳаётига мурожаат қилиб, мумтоз асарлар ижод қилдилар. Шеъриятда Мақсуд Шайхзода, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева имкон қадар мумтоз шеърият нурларидан баҳра олиб, шеърда ҳикматли сўз айтишга уриндилар.

Мақсуд Шайхзода маърифатга ташна шоир эди. Мирзо Улуғбек маънавий оламига мурожаат қилиб, совет мустамлакаси мафкураси доирасидан чиқа олмасан-да, маърифат диёрдан ўзига яраша насиба олди. Абулла Орипов ўлмас шеърияти, “Ҳикмат садолари” (“Арбаъин”) ва “Ҳаж дафтари” туркумлари билан ўз номини абадий дафтарида муҳрлади. Эркин Воҳидов девон тузиш ва ғазал санъати, “Ғазал оқшоми” суҳбатлари орқали девон адабиёти ва мумтоз шеърият билан алоқдорлигини таъминлади, ва шубҳасиз, абадийга дахлдор шоирга айналди. Рауф Парфи ўз ижодини буюк озарбайжон мумтоз шоирлари билан боғлади, Нозим Ҳикматнинг “Инсон манзаралари” асари муҳитида яшади, жаҳон маърифатпарвар шахслари ва озодлик курашчиларининг ном ва таъсирларини ўзбек шеъриятига олиб кирди, туркий дунёни бирлаштириш гоёларини куйлади. Омон Матжон ўз ижодини нури манзил томонга бурди: Хожагон-Нақшбандия шайхи, муршиди комил, авлиё зотларнинг улуғларидан бўлмиш Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (Хожа Аҳрор Валий) даргоҳларига бош уриб, у зот ҳақларида “Халоскор рух” асарини ёзди, маънавий оламидан насиба терди. Ҳалима Худойбердиева Турон ва Туркистон гоёлари билан ўз ижодига ижтимоий руҳ ва зийнат бахш этди. Хуршид Даврон қадимий Самарқанд руҳини адабиётга олиб кирди.

МУМТОЗ АДАБИЁТ БИЛАН
АЛОҚАДОРЛИК

Айтиш лозимки, мумтоз адабиётдаги бадий тафаккур ва ҳикмат аънаналари ижодкорнинг ўша мумтоз адабиёт билан алоқадорлигида давом этади. Эшқобил Шукур мумтоз адабиёт бадий, миллий, маърифий тафаккур ва ҳикмат аънаналарини “Лой чакмоғи” туркумида давом эттирди. Афсус, бу ўзига хос теран маърифий туркум ҳақида мунаққид олимларимизнинг тадқиқот руҳидаги бирор мақола ёзганини кўрмадим. Қуйида Эшқобилнинг “Зуннун Мисрийнинг яшил ўлими” шеъри хусусида фикр юритмоқчиман.

Эшқобил Шукур ижодида
“Насойим ул-муҳаббат” баҳралари

Шоир ёзди:

**Шайхнинг хазон куни баҳорлар келди,
Фалак яшил байроқ тусига кирди.
Кўк юзини тутди соясиз
Ниҳоясиз яшил қушлар, ниҳоясиз...**

ЗУННУН МИСРИЙ КИМ БЎЛГАН?

Ҳазрат Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида ёзишча, Зуннун Мисрий авлиё зотлар ва тасаввуф тоифасининг биринчи табақасидандир, Имом Молик ибн Анаснинг шогирди бўлиб, у зотнинг мазҳабидандир. У зотнинг муайян мавзуларга ажратилган ҳадислардан иборат “Ал-Муваддотъ” (“Халқчил китоб”) асарини шахсан ўзидан таълим олган, фикр илмларини ўқиган. У кишининг пири Мағрибда Шайх Исрофил бўлган. Ҳазрати Абдуллоҳ Ансорий эътирофига кўра, “Зуннун Мисрий замоннинг имоми, даврнинг яғнаси ва бу тасаввуф тоифасининг бошидир. Барча валий зотнинг нисбати ва изофати (боғлиқлиги ва интисоби) у кишига бўлган”.

“ЯШИЛ ЎЛИМ”НИНГ ДАЛИЛИ

Шоир Эшқобил Шукур нима сабабдан тасаввуф арбобларидан бўлган валий зотнинг вафотини “яшил ўлим” деб номлапти? Бу сатрларнинг таъвили нимадан иборат? Бу ўлим – абадий ўлмасликдир. Бунинг таъвили ҳазрат Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” китобида гўзал шаклда баён қилинган. Асарда айтилишича, ҳазрати Зуннун

са сирруху оламдин ўтгунича бу инкор давом этди”.

ХАЛҚНИНГ ЭЪТИРОФИ ВА
ҚАБУЛ ҚИЛИШИ

Ниҳоят, Зуннун Мисрийнинг тобутига яшил қушлар соя солиб борганини кўргач, бутун халқ у кишини эътироф этди ва таълимотини қабул қилди. Бунга яна бир сабаб бор эди, сўнги кунда у кишининг қабри бошида битилган бир хат топдиларки, унда: “Зуннун Аллоҳнинг суюкли бандаси ва шавқи-муҳаббати тўғрисида Аллоҳ йўлида жонини фидо қилувчидир”, деб ёзилган эди. Бу хат одамзотнинг хатига ўхшамас, уни ҳар қанча ювсалар, яна ёзиғлик кўринар эди.

Эшқобил Шукур ёзди:

**О, шайхнинг тобути гўристон қадар
Дарахтдай кўкариб улгурди... Шажар.
Ёраб, не масофа қондан жонгача,
Шайх кўкариб улгурди гўристонгача.**

ЯШИЛ ҚУШЛАР СИРИ ВА ҲАҚИҚАТИ
НИМАДАН ИБОРАТ?

Муборак ҳадис китобларида шаҳидларнинг руҳлари яшил қушлар ичида жойлангани ҳақида кўпгина ҳадислар бор. Хусусан, Абдуллоҳ Жалолуддин Сукутийнинг “Барзах ҳаёти” китобида бу ҳақда гўят гўзал ҳадислар келтирилади. Имом Муслим ҳазрати Ибн Масъуддан (розияллоху анху) ривоят қилади. Жаноб Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: “Шаҳидларнинг руҳлари жаннатдаги яшил қушларнинг ичида бўлиб, қушлар хоҳлаган томонига учиб юриб, Арш остидаги қандиллардан бошлана топади”.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Абу Довуд, Имом Ҳоким ва Имом Байҳақий “Шуъабул-иймон” китобида ҳазрати Ибн Аббосдан (розияллоху анхумо) ривоят қилдилар. Жаноб Набий соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: “Дўстларингиз бирор киши тўғрисида мусибатланса, Аллоҳ унинг руҳини яшил қушнинг ичига жойлайди. Қуш эса, жаннат дарёларига келиб, мевалардан ейди ва Арш соясига осилган олтин қандиллардан макон топади”. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Абдуллоҳ ибн Ҳамид, Ибн Абу Шайба “Муснад”ларида, Имом Табароний “Маъожим” китобида ҳазрати Ибн Аббосдан (розияллоху анхумо) ривоят қилдилар. Жаноб Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: “Шаҳидларнинг руҳлари яшил гўмбаз остида жаннат эшикларини ёнидан очуви дарё устида бўлиб, ризқлари уларга эртаю кеч келиб туради”.

Имом Табароний Омир ибн Ҳабибнинг “Маросил” китобидан ривоят қилади: “Ҳазрати Набий соллаллоху алайҳи васалламдан мўминларнинг руҳлари ҳақида сўраган эдим: “Мўминнинг руҳи жаннатда

хоҳлаган томонига сайр қиладиган яшил қушнинг ичида бўлади”, дедилар. Шунда саҳобалар: “Эй Расулulloх, кофирларнинг руҳлари-чи?” деб сўрашди. Жаноб Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: “Сижийнда ҳибс қилинган бўлади”, дедилар.

**Ёраб, не ғавгода тан ила кўнгул,
Дарахт тобут ичра ўсарди бир гул.
Икки дунё аро тилим ва тилим
Ястаниб ётарди ям-яшил ўлим.**

ҚАРОМАТ БИЛАН КЕЛТИРИЛГАН ИЛМ

Яшил қушларнинг яна бир сири шундаки, Зуннун Мисрийнинг маъно оламидаги сўнги – учинчи сафардан келтирилган илм қадам билан юриб бориб келтирилган илм эмас, балки худди у зотнинг жанозасига соя солган қушлардек, ҳиммат, жаҳд ва жавонмардлик, балки қаромат билан келтирилган илм эди. Шайхул-Ислом Абдуллоҳ Ансорий шундай деган. Яшил қушлар жаҳон тарихида Зуннун Мисрийдан кейин яна Имом Шофъий ҳазратларининг шогирди – Муъаззинийнинг жанозасига ҳам соя солганлари нақл қилинади (Зуннун Мисрий ва Муъаззиний ҳақларида барча маълумот ҳазрати Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” китобидан олинди). Бу қаромат у азиз зотларнинг Ҳақ таоло ҳузурда юксак маънавий мартабаси борлигини кўрсатади.

Хулоса шуки, Зуннун Мисрий жони ва моллари билан Аллоҳ йўлида ўзини фидо қилиб ўтгани сабабли яшил қушлар қароматига ноил бўлди. “Насойим ул-муҳаббат” китобида келган “Шавқи-муҳаббати тўғрисида Аллоҳ йўлида жонини фидо қилувчидир”, деган таъриф бунинг исботидир.

Ер юзиде ўтган ва яшил қушлар ичида жойланган барча шаҳидларнинг руҳлари Зуннун Мисрийнинг ўлими ва Аллоҳга етишувини муборакбод қилиш ҳамда руҳини олқишлар учун биринчи осмонга тушганлар.

Яшил қушларнинг соябон бўлиб тушиши Зуннун Мисрий шаҳидлик мартабасини топанга далолат қилади. Чунки баъзи нодон кишилар ўйлаганидек, шаҳидлик фақат жанларда ўлиш ёки ўлдирилишдан иборат эмас.

Мумтоз адабиёт, хусусан, “Насойим ул-муҳаббат” асари буюк илҳомлар, ҳикмат ва ирфонлар манбаидир. Бу асарни ҳозирги тилга мувофиқлаштириб, соддалаштирмақ ўта зарур хизматдир. Бу ўлмас асар адабиёт учун ҳали кўп яхши шеърлар мистотқи бўлиб хизмат қилади.

Мумтоз адабиёт билан алоқадор бўлган шоирлар ижодида айрича бир юксаклик ва теранлик кўзга ташланади. Бунинг далили ўлароқ, Эшқобил Шукурнинг “Лой чакмоғи” туркум шеърлари ўзбек шеъриятининг яхши ва юксак намуналаридандир.

Мирзо КЕНЖАБЕК

НАЗМ

“... Чўққиларга чиқиб мардона...”

Чоршамъ РЎЗИЕВ



Келди жоним бўғзига қадди расонинг дастидан,
Дам-бадам тўлғонаман нозик адонинг дастидан.

На кўнгул очгай манга, на бир кўнгулга буйлағай,
Телбадек ёлвораман жабру жафонинг дастидан.

Суҳбати ширин қуриб ўткан азиз дам қайдадур,
Эсланиб кўнгул қора кўзи қаронинг дастидан.

Келса умрим яшнатиб оламни равшан айлағай,
Келмаса, бўлғум адо ҳар не балонинг дастидан.

Дарди йўқ жонон сени ҳолингни қайдин билгуси,
Мунча кўп ўксинмагил ул маҳлиқонинг дастидан.

Сал йироқ кетсам унут бўлғайму деб ҳижронлари,
Ҳар кеча чоғланаман оҳу нидонинг дастидан.

Шош қолиб Чоршамъ Самарқанд сори отландим, баса,
Ё Бухоро бораман ул бевафонинг дастидан.

Виждон ила яшай десам, жон қийналур,
Жонни ўйлаб яшасам, виждон қийналур.

Икки ўтнинг орасида турмоқ қийин,
Томиримда қайнаб-қайнаб қон қийналур.

Аросатда ўтган умр – умр эмас,
Оқибати – охири иймон қийналур.

Азоб берар менга оддий ҳаёт тарзим,
Беҳуда деб руҳи-жовидон қийналур.

Эрк ихтиёр айлаб яшаи йўлини тут,
Шунда чидай олмайин шайтон қийналур.

Муҳаббатни шоир билгин ёр олдида
То кўнгулдан кечмасин – жонон қийналур.

Чоршамъ, қанча қийноқ туйдинг кечмишингда,
Етар энди – йўқса ғазалхон қийналур.

Отамдан сўнг отам эккан кўп дарахт
Ногоҳ қуриб қолди, чиқармади барг.
Ҳамма ҳайрон бўлди, мен эса карахт –
Бунинг боиси не, бунга не сабаб?

Эҳтимол, совуқлар айлагандир қор,
Эҳтимол, теккандир биронинг кўзи.
Улар яшардилар бирга бахтиёр
Инсон ва табиат уйғун-да ўзи.

Сиру синоатга тўла бу дунё
Англаб бўлмас экан барини тайин.
Менимча, дарахтлар сақлашиб вафо
Отам ортларидан кетишгандайин...

Аллоҳ ато этган тортиқ – синашта дўст,
Ҳамма дўстларингдан ортиқ синашта дўст.

У бўлмаса, ким ярайди қорингга, айт,
Борлар ичра боринг – ҳозиқ синашта дўст.

Оғир дамда қўлин чўзиб келар доим,
Марҳаматин тутмай дариг синашта дўст.

Олисларга кетганда ҳам жон томиринг,
Кўнгулнинг ичра яшар содиқ синашта дўст.

Ҳаволаниб қайта қулаб тушганда бил,
Керак бўлар эски чориқ – синашта дўст.

Синалмаган дўстга кўп ҳам ишонмагин,
Сенга фақат бўлар шафиқ синашта дўст.

Чоршамъ, шундай дўстларинг бор, минг шуқр қил,
Сен ҳам бўлгин дўстга лойиқ синашта дўст.

Бир кунгина оғринмайин яшасам эди,
Бир кунгина ташвишларни ташласам эди.

Мен ҳам одам наслидан деб кўкрагим кериб,
Бир кунгина юрагимни хушласам эди.

Водийларга, чўққиларга чиқиб мардона,
Бир кунгина баҳорласам, қишласам эди.

Муҳаббатим, ёшлигимни ёдимга олиб,
Бир кунгина кўзни шодон ёшласам эди.

Шууримга, туйғуларга эрк бериб озод,
Бир кунгина осмонлардан тушмасам эди.

Минг йилларга татир эди эҳтимол шу кун,
Бир кунгина бахтиёрга ўхшасам эди.

Чоршамъ, қайдан топмоқ мумкин ўша кунни, айт,
Бир кунгина бу дунёдан бўшасам эди.

Сени кўрдим – яна ҳолим ёмон бўлди,
Дилимда ишқу оташ бир ҳаҳон бўлди.

Чиройлисан ҳамон барча сулувардан
Йулунгда ошиқи зорлар чунон бўлди.

Нигоҳинг тушдию ногоҳ нигоҳимга
Кипригинг отган ўққа жон нишон бўлди.

Тамом ёндим, тамом куйдим, ишон, эй, ёр,
Кўзимдан ёшларим оби равон бўлди.

Юракда қолгани армон экан, ёраб,
Қачон ошиқ элин жони омон бўлди?

Умид узмай жамолингга боқар эрдим,
Сен-эй, кетдинг – рангу рўйим самон бўлди.

Фироқингга чидай олмайди ҳеч Чоршамъ,
Фигони бори оламга аён бўлди.



ЭЛЕГИЯ

1
...хурлик замонада улуг адиб ме-
роси янги тамойиллар билан қайта-
дан инкишоф қилинмоқда, ижоди-
нинг бошланиш палласидаёқ икки
мумтоз асар яратган муаллифнинг
келажақда нималар туҳфа қилиши
мумкинлиги юзасидан фаразлар бил-
дирилаётган, бир сўз билан айтганда,
Абдулла Қодирий ижодий устахона-
сига қизиқтириш катта ва бу назар куча-
йиб бораёпти. Гарчи "Обид кетмон"
машҳурликда икки роман шавкатича
бўлмаса-да, бироқ ўша давр ада-
биётида янги кашфиёт сифатида
тан олинган, бугуннинг назари билан
эса бевосита адиб яшаган муҳит қай
тарзда бадий инкишоф этилишига
эркин мисол сифатида баҳоланади.
Бу асар мавзуси "мозийдан, ўтмиш-
нинг қора кунлари"дан эмас, ёзувчи
нафас олиб турган муҳитдан танлан-
ган эди. Шу жиҳатдан олиб қаралса,
адабиёт ва замон кесимида бу асар
ҳали кашф этилмаган китъа дейиш
мумкин. Муаллифнинг маҳорати, сўз
санъаткорлиги, давр манзараларини
"қоғозга ўраб" акс эттириш усуллари
бўлажак журналистлар, публицист-
лар, умуман, сўз аҳли учун муҳташам
мактаб вазифасини ўтайди...

Абдулла Қодирий ёзувчи сифатида
эркин эмас эди – бу бор гап. Иккинчи
томондан эса унинг юртдошларга, за-
мондошларига, қолаверса, келажақка
айтадиган гаплари кўп эди. Бу икки ҳо-
латни адибнинг иқтидори ўртасидан
ҳаёт ирмоғи оқиб ўтадиган тик қирғоқ
сифатида тийнатида мужассамлаш-
тира олган ва бу номутаносибликни
ижодий услуб сифатида бир қобикда
жо қилиб, новаторларча инкишоф эт-
ганча турли адабий усуллари қў-
лаш билан мақсадига эришган. Бунда
энг кичик унсурлардан ҳам самарали
фойдаланган. Масалан, назаримиз-
даги лавҳада итнинг номи – Арслон.
Ботинда мужассамлаштирилган маъ-
но шундаки, аслида унинг номи – Ар-
слон, ўзи эса – ит! (Талқинини шундай
қабул қилиш жоиз: бизга тараққиётни
олиб келдик, дея мактанларнинг
номи – "катта оғ", аслида эса – бос-
қинчи!). Бундай кучли сарказм (аччиқ
киноя) лавҳанинг бошидан охиригача
эркин услуб сифатида ҳар сатрда мо-
ҳирона "ўқланган". Атроф манзараси,
ундаги чалғитувчи сокинлик, ўзини
хўжайин сезиб, изгиб юрган, хушёр
ва қасосга ташна – ит... Ҳаммаси рам-
зий.

2
Шундай қилиб, "Обид кетмон"нинг
бешинчи лавҳаси – "Мен босмачи
эмасман" бўлими тузилиш нуктаи
назаридан, воқеаларнинг тадрижий
ривожланиши, кескинлигини юзага
келиши ва рўй бериши, унинг ечими,
хулоса қисмлари қурилиши (бир сўз
билан айтганда, композиция) жиҳати-
дан шундай тартибда келади:

1) Воқеа кечадиган жой манзараси.
"Занжирдан бўшатилган" ва эрталаб
занжирланмаган ит, итти занжирлаш-
ни унутиб, ухлаб қолган тегирмон
қоровули Эгамберди. Маҳаллий хў-
жайин Абдужалилбойнинг тасвир ва
тафсилоти;

2) "Кўзини кўн этигининг бетидан
узмай" муниқиллаганча "тепани кесиб
ясалган арава йўлининг юқориси-
да, орқасида бир-икки пуд юк кўтар-
ган зўр гавдали ...Мулла Обид" ва
кўзи қонга тўлган оти Арслон, ўзи ит
билан бепарво буюқайиб келаётган
мардумнинг тўқнашуви. Бу курашда
ёзувчининг ички хоҳишлари ифодаси
ўлароқ одам "ғажиллиб ётган кўлини
бўшатишга интилиб ўтирмай, соғ кў-
лини охирагача Арслоннинг бўзига
юборди". ..."Мулла Обид кўлга куч
сарф қилмай, совуққонлик билан
Арслоннинг бўзигини сиқиб туради...".
"Арслоннинг тумшугида қон қўрилган,
Мулла Обид хиқилдоқни бўшатади.
Арслон жон чекишиб турмай, ...ерга
қўзилиб қолади" (Бу ҳолат кўнгил ту-
бида чўкиб ётган оғрудек туюлади).

3) Итнинг эгаси, "маҳаллий гумаш-
та" Абдужалилбой бу ҳолдан хайрон.
Итнинг хунини талаб қилай деса, йи-
гитнинг вазоҳатидан кўрқайди. Бой бу-

тун захрини ухлаб қолган қоровулига
сочади, жаримани ундан ундиришига
дағдаға қилади;

4) Бой бу ҳаракатдан ғайирлик из-
лайди. Қишлоққа (Тиктепага) кўчиб
келганига кўп бўлмаган, кўпчилик
учун номаълум бу вазоҳатли йигит-
ни яқиндан бери шов-шув бўла бош-
лаётган босмачилардан деб ўйлайди,
итни ўлдириб, отларимни ўғирламоқ-
чи бўлган, деб фараз қилади. Пишиқ-
пукта бой замоннинг келишига хушёр,
"босмачи"ни қўлдан чиқармоқчи
эмас. Тадбиркор одам у билан яқин-
лашиш йўллари излайди ва ўзидек
пудроқ бойлар сармоясининг тақ-
дирини ўйлаб, "Тиктепа устунлари"
– Мулла Султонқул, Хуббийойларни
ҳам бу машваратга жалб қилади;

5) Тадбиркорлик билан замоннинг
келмишини фаҳмлаган қорчалонлар-
нинг янгиликни, яъни "босмачи" деб
фараз қилинаётган шахсни ўрганиш
жараёни бошланади. Навбатма-нав-
бат, ҳар жумадда Мулла Обидни меҳ-
мон қилиб, ундан сир олмоқчи, яна
уни назарларида сақламоқчи бўла-
дилар. Шу жараёнда ёзувчи жамоат-
нинг бошида турган, гапи кесадиган
"устун"ларнинг ички маънавий ола-
мига сайр уюштилади. Гўё, миллат
кимларга ишониши мумкин? Ҳолбуки,
улар бойлик учун ҳамма пасткашлик-
ка тайёр майда кимсалар;

6) Аммо Мулла Обид сир бера-
диган эмас. Бойлар эса ундан гап
олишга уринадилар: "...бизнинг ўрта-
даги йигитларимиз ҳам Фарғонадаги
оғаларидан намуна олишлари керак
эди, яроқларини ўз боёнларига эмас,
большевикларга қаратсалар, бой
оғайнилари ҳам безрайиб қараб тур-
мас, қўлларидан келган ёрдамни қаҳ-
рамон йигитларидан аямас эдилар".
Шу нуқтада ёзувчининг дунёқарашини
ва мавжуд ҳаёт тартибларини кесиа-
ди, нозик ишоралар орқали адиб му-
даосини ифодалайди, ўзи изтиробини
изҳор этади: "Мана шу фикримиз сиз-
га қандай ўхшайди, полвон?"...

7) Аввало, ўша кунлар дарду таш-
вишини кифтини келтириб айта ол-
ган адиб маҳоратига тасанно айтган
ҳолда вазиятни кузатами. Бу нидо,
миллат дарди даврада ўзгача акс-са-
до беради. Аллақачон "сир"дан воқиф
бўлган Мулла Обид "беихтиёр мўйла-
ди остидан қулиб кўйишга мажбур бў-
лади-да, бирдан кўзини зўр(ға) очиб
(балки кўзи ола-қула бўлиб кетгандир.
Ҳ. С.), юзи шу чоққача кўрилганга бир
дахшат касб этади".

Эл ишонган полвоннинг аҳволи
шу эди. "Бу кўринишдан бойлар ерга
сингигандек бўлиб, кайфлари тар-
қайди, кўзлари очилади". Жамият-
нинг манзараси шундай эди. Қалам
эгаси дардини ичига ютади, чамаси,
"Дуруст! – дейди Мулла Обид захар-
ханда қилиб, – яхши ўйлагансиз!" тар-
зида сўхбатни якунлайди. Аммо унинг
муносабати, ўй-хаёли аниқ эмас, буни
адиб ҳам очикламайди. Вазиятдан
силлиқ чиқиб кетади. Юзага келган
ҳолатдан икки томон ҳам хижил, ан-
лашилмовчилик ҳаммани довдиратиб
қўяди, давра тарқайди. "Улар ўз фи-
қларини босмачига ётишиб келмаган-
лигини пайқайдилар. Бой... бу кун-эр-
та бошлаб ўз молининг таланишини
ва бошининг ҳам сапчадек узилли-
ни аниқ кўради. Мулла Обиднинг дах-
шатли вазияти тўзса тарқайди, гоҳо
муносабатсиз бўлса ҳам ўзича илжа-
йинқираб қўяди"...

Ёзувчи тасвирини шу нуқтагача чу-
қурлаштиради. Юрт эгаларини "уста
Йўлдош", "Акмалча" деб дарж этиш-
дан чўчимаган қалам анча тобига
келган, шу тузумнинг шафқатсизли-
гини олти ой қамоқда ўтириб ҳис эт-
ган, хуллас, қолипга тушган. Хавфсиз
худуд чегараси шунгача эди. Ана шу
синусоидал чиқидқа адибнинг қалб
драмаси акс этган: у хоҳлаган ҳаёт
манзарасини бадий инкишоф этиш
даражаси ва қаламнинг имконияти!
Шунда ҳам ижодий тамойилидан воз
кечмайди, фақат "Тушунган тушуна-
ди, тушунмаган ўзи билади" қабилида
йўл тутайди. Барибир, лавҳанинг даво-
мида ўз фикрини назорат билан изҳор
қилади.

Шундай қилиб, Мулла Обид ўзи-
ни "оқлаб" олади, "дахшатли вазияти

тезда тарқайди..." Зиёфатдан қайтиш-
да бирга келаётган Абдужалилбой "...
муносабатсиз сўзлар билан бояги
гинани мулла Обиднинг кўнглидан
чиқаришга тиришади, унинг кўрқоқ
ва разил табиатидан Мулла Обид
гоҳ қулиб, гоҳ аччиқланади" (диққатни
оширинг. Ҳ. С.)

Айни мавриди билан охириги гапни
мантика талхил қилсак, ёзувчининг
муддаосини балки илганган, уни тўла-
роқ тушунишга яқинлашган бўламиз.
Аввало, нашрнинг шу ўрнида "мулла"
сўзи кичик ҳарфда ёзилган, бу бал-



ки арзимас мусахҳиқлик хатосидир
(балки пўк йигитга муносабатидир?),
аммо ҳам қулги, ҳам аччиқ кайфият
кўзга ҳам назар қилинган. Мулла Обид
қўнглидан чиқаришга тиришади, унинг
кўрқоқ ва разил табиатидан Мулла Обид
гоҳ қулиб, гоҳ аччиқланади". Фарқ
"Мулла Обид" деган сўзнинг чиқариб
ташланганида бўлди. Шунда бош деҳ-
қоннинг пўкчилигини кулган бўлиб чи-
қади. Балки ёзувчининг мақсади ҳам
шундир, шу тазнани изҳор қилишдир,
яъни у нишонга олган дард пудроқлар
билан мард, вазоҳатли йигитларнинг
бирлаша олмаганидир?! Ёзувчи-
нинг вазиятга баҳоси (хукми) лавҳа-
нинг давомида аниқ бўлади. Бойлар
ишонч билдирган паҳлавон йигит Тик-
тепа қишлоғида оддий тирикчиликчи
берилиши, "Мулла Обиднинг тепа бу-
зиши, кетмони билан шуҳратланиши,
ўша қиш "устунлар"имчила энг паст
хунар ҳисобланган ямоқчилик билан
кун кечириши (таъкид бизники. Ҳ. С.)
уларни шубҳадан қутқарди". "Шубҳа-
дан қутилиши", аслида, умидларнинг
барбод бўлиши эмасмиди?

АНГЛАШ

3
"Обид кетмон" асарининг дунёга кели-
ши ёзувчи ҳаётидаги силкинишлар,
англашилмовчиликлар, иғво ва бўҳ-
тонларга тўла даврга тўри келгани-
ни тадқиқотчилар кўп таъкидлашган.
Икки роман билан миллий адабиёт-
да катта шов-шув қозongan ёзувчи
бу иқтидорнинг самарасини қанча
таҳқирлар, тўқилган айблар, ҳатто
қамоқ жаозаси билан тортишга маж-
бур бўлганлиги бор гап. Унга майда
буржуа ёзувчиси, ўтмишни улуғловчи,
ўрисларни ёқтирмайдиган ёт синф
вакили сифатида қарашди. Кўнгил
юмуши, кайфият меваеси ҳисобланув-
чи ижод оламига ҳам човут солишиб,
"Нега бахтли давронни улугламайди,
нега дохтий Сталин замонидан гўзал

романлар ёзмайди? Ахир у ёза ола-
ди-ку. Ёзган-ку. У атайлаб ёзмаяпти,
шу билан бу тузумга қарши эканини
намоиш этипти" сингари тугуруқсиз
айблар тақалди. Жўн қилиб айтганда,
ўзи хоҳламаган овқатни ейишга маж-
бур қилишди ва ана шундай тазийқ-
лар остида "Колхоз ҳаётидан қисса"
деб "Обид кетмон" асарини ёздирди-
ди.

Ундан "Ўткан кунлар"нинг нафоса-
тини, "Меҳробдан чаён"нинг салохия-
тини талаб қилишди. Бу "...юрагимиз,
қалбимиз – партиямизники!" деган

ҳайбат кўринишли" йигитга мулоза-
мат қуюқ, тўқилган бугдойини унга
алмаштириб, яна уйига элтиб бе-
ришни тайинлайди, бунинг устига уни
муносиб меҳмон қилишда саҳий: "...
бир кўзи сўйиб, тандир қабоб қилиш
керак, албатта, кабобнинг ёнида уч
четверт хонаки май, бу топилмаганда
бирор четверт самагон лозим. Булар-
дан сўнг яхшилаб бир палов"...

Айниқса, ёзувчининг маҳорати ит
– Арслоннинг табиатини эркин очиб
беришида ва унга юклаган ижтимоий
маъносида эркин намоён бўлади: "...



Ҳақим САТТОРИЙ


қати! Мантиқ нимада: гарчи ҳаёт та-
лаби Мулла Обиднинг мақталган қаҳ-
рамонлар сафида бўлишини тақозо
этса-да, бу борада на йигит эркин, на
ёзувчи! Маълумки, Мулла Обид кат-
тагина ҳажмли асарда акс эттирилган
воқеалар гирдобини – янги ҳаёт қозони-
да обдон қайнаб, Совет тузумининг
кўзга кўринган вақилига айланади.
Мана, гап нимада!

5
Ҳар ҳолда, колхозлаштириш ҳақи-
да асар ёзиш нозик кўнгли майлла-
рини, боқира туйғуларини, ошиқ-маъ-
шуқларнинг интим кечинмаларини
назокат билан ифодалаш эмас эди.
Ёзувчи настирин уфуриб турган гул-
зордан ўтиб, қирғин-барот кечаётган
издиҳомга келган эди. Энди унинг
сўзи катта ижтимоий-сиёсий маъно
касб этиши, ўша кунларнинг шуорига
айланиб, давраларда тилга тушиши
кутилаётган эди. Унинг зиммасидаги
адабий бюуртма сореализм методи
асосида янги инсонни акс эттиришни
тақозо этарди. Бироқ Абдулла Қоди-
рий ҳар бир имкониятдан келажақка
айтадиган сўзини ифодалашда фой-
даланди. Масалан, "эски тузумнинг
қолоқ одами" сифатида гавдалан-
тирилган ва ҳар хил иволарни "ви-
сирлаб" юрадиган Калвақ Маҳзум
Тошкентда сақланаётган Мушафи
Усмонийни таваф қилишга боради:
"Мазкур Каломи шарифнинг зиёра-
ти кўбдан бери кўнглимга ўршоқон
эрди ва шунинг учун Махсидўз ма-
ҳалласига қараб йўл солгон эрди..."
"Қироатхона – иборатдир тилмовти
Қуръон қилотурган жойдан. ...Ваҳо-
ланки, айтган иборати камининг
саволимга жавоби босавобдир" – бу
жойда ўрусча кийинган зотни кўриб
дейди замондан безиган, тажана
одам ўз дарди-изтиробини пинҳона
ифодалаб. Бу сатрлар умумий олов
ичида ёнмай қолган тошбитиклар-
га ўхшайди. Ҳолбуки, диний ибодат
эмас, муқаддас китобни тилга олиш
ҳам жиноят ҳисобланарди. Миллат
асл фарзандининг ташвиши ана шун-
дай муқаддас туйғуларнинг пайҳон
қилинаётганида эди.

занжирдан бўшатилган Арслон тегир-
мон теварағида зир қатнаб, ҳатто я-
роқ шитирланган кеча ҳашаротлари
устига ҳам ириллаб югуради. Туваги-
ни сийлаб турувчи хўжасига садоқат-
тини тамом адо қилиб, тегирмон йў-
лагига кечалик қора чигирткани ҳам
йўлатмайди... Ана шу қонсирлаган со-
диқ кўпкак унинг томорқасига баҳос
оралаб қолган, "...бу қадар парвосиз
келган душман сари... бутун қаҳр-
ғазабини тўқиб, ташланади". Мулла
Обид эса "теварағига алангайди,
ёрдам берарлик на тош, на кесак ва
на калтак..." Бу манзара бугун тарих-
ларда кўп тақоррорланадиган ўша қора
кунларнинг сурати эмасми? Чорасиз
қолган асир ўзидан нажот излайди:
"...тишланган қўлининг аламинданми,
ҳарчи бирдан қолни бўшатиб юбора-
ди (тирикчилик ташвишларидан воз
кечади. Ҳ. С.), ғажиллиб ётган қўлини
бўшатишга интилиб ўтирмай, соғ кў-
лини охирагача Арслоннинг бўзига
юборди..." Бу муаллифнинг нуктаи
назарини эди ва кейинги курашни шун-
да кўради...

Ит тимсолидаги балони даф этган
норгул йигит қишлоқ "устунлари"
нинг назарини тортади, "Абдужалил"
эҳтиётлаб, яъни рамз ва ишорат
ичида босмачига яқинлашади. Бош-
лаб, Фарғонада бош кўтариб, Совет
хукуматига ҳалақит бераётган кўр-
бошиларнинг қаҳрамонликларини
мақтайди, сўнгра шу теварақдаги
қишлоқларни босиб турган йигитлар-
нинг ҳам юракларига қойил бўлган-
ликларини сўзлаб келиб, пурс-пурс
орасида..." унинг "Фарғонадаги оғ-
ларидан намуна" олишини истайдиг-
лар, шунда "яроқларини ўз боёнлари-
га эмас, большевикларга қаратсалар,
бой оғайнилари ҳам безрайиб қараб
турмас"лигини очикча таъкидлаш бил-
лан гўё "устун" кўпчиликнинг фикрини
ифодалагандек бўлади. Эътибор бе-
ринг, "қаҳрамонликларини мақтайди"
– қалам эгасининг ҳам юрак сўзлари,
лекин буни андавалаш учун "пурс-
пурс орасида" деган иборани қўлай-
ди. Бу ёзувчининг чекинадиган "орол-
"и, яъни эртага зулм бўлса (бундай
ҳолни ҳис этиб турган, албатта), бу
бетайин айтилган гап дея айбни рад
этишда танлаган усули.

Энди шундай руҳдаги мулоқот
билан боёнлар умид тикиб турган
паҳлавон босмачилар, яъни миллий
озодлик ҳаракати иштирокчилари са-
ғига даъват этиляпти. Аммо асарда
етақчи образ сифатида танланган
ва бюуртма бўйича колхоз фаоли
бўлиши лозим бўлган Мулла Обид
"Мен босмачи эмасман..." деб, зор
қақшаб турибди. Бутун дард, иллат
шу манзарада жо қилинганга ўхшай-
ди. Ит (босқинчи)дан жабр чеккан ва
"устунлар" нажот кўзи билан қараган
полвон йигит ҳаммасини рад этипти
ва "энг паст хунар ҳисобланган ямоқ-
чилик билан кун кечириш"га ўтапти
– уни тирикчиликнинг талаби йўлга
солади (миллат дарди эмас!). Бу ўша
кунларнинг моҳияти, ўша давр ҳақи-



“
Абдулла Қодирий (Жулқунбой) юксак роман-
лар яратди. Унинг романлари 20-йиллари гўё текис
сахрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандек
пайдо бўлди.
Мухтор АВЕЗОВ
”



Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбек тили ер юзидаги қадимий тиллардан биридир, унинг тарихи, бугуни ва келажагини ўрганиш бениҳоя шарафли ва муқаддас юмшудир. Бу ҳақиқатларни теран англаган, ўзбек ва бошқа туркий тилларни батафсил илмий тадқиқ этишни мунтазам мақсад қилган, ўзбек тилшунослигининг даргаларидан бири, тил синоатининг чинакам ва ҳассос синчиси академик Фанижон Абдурахмоновнинг илмий фаолияти ҳар жиҳатдан ибрат намунасидир. Бу улкан аллома бугун ҳаёт бўлганларида, бир аср билан юзлашган бўлар эдилар. Тил ва тилшунослик илмига адоқсиз эътиқод билан қараган Фанижон Абдурахмонов илмий-тадқиқот фаолиятини анчайин эрта бошлаган. У педагогик фаолият олиб бориш билан бир қаторда профессор Улуғ Турсунов раҳбарлигида “Ҳозирги ўзбек тилида сифатларнинг отлашуви” мавзусида номзодлик ишени тайёрлаб, 25 ёшида, яъни 1950 йилда муваффақиятли ҳимоя қилган. 1960 йилда эса олим 35 ёшида “Ўзбек адабий тилининг қўшма гап синтаксиси асослари” номли иши учун филология фанлари доктори илмий даражасини олган.

Аллома тилшуносликнинг илмий ва илмий-методик тадқиқ нигоҳи серқамров, тилшуносликнинг айтарли барча соҳалари ва долзарб муаммоларини эътибордан четда қолдирмаган. Унинг илмий изланишлари доираси фонетика, морфология, синтаксис, тил тарихи, тарихий фонетика, қиёсий грамматика, қадимги ёдгорликлар тили, миллий тиллар тараққиёти, нутқ маданияти ва услубшунослик, бадиий тил муаммолари каби тилшуносликнинг хилма-хил йўналишларини, шунингдек, олий, ўрта махсус ҳамда ўрта таълимда она тилини ўқитиш каби қатор соҳаларни ўз ичига олади. Заки тилшуносликнинг деярли ҳар бир китоб ёки мақоласида, албатта, янги бир қараш ёки янгича бир илмий талқин манамен деб туради.

Ер юзидаги, каттадир-кичикдир, деярли барча тилларнинг негизини грамматика ва сўз бойлиги ташкил этади. Зотан, туркий тил грамматикасининг расолиги жуда кўп гарб олимларини ҳайратга туширган. Қадимги туркий тилининг таранг мангиғио расо қоидалари, сўнгги йўқ синоатлари ҳақида улкан олим алломаси, шарқшуноси Макс Мюллер шундай деган эди: “Туркий-чабин грамматика қоидалари шу қадар бемисл ва гўзалдирки, бу тилни тилшуносликнинг бир ҳайъати шуур билан вужудга келтирилган деб ўйлаш мумкин”. Маълумки, Марказий Осиёдаги, Туркистондаги ҳозирги туркий тилларнинг шаклланишида чиғатойча (ўзбекча) алоҳида ўрин тутаган. Мазкур тил узок вақтлар бу улкан ҳудудда адабий тил вазифасини бажарганлиги ҳам сир эмас. Бу ҳол ўзбек

тилининг нуфузи эскидан баланд бўлганини кўрсатади. Буларни жуда яхши билган Фанижон Абдурахмонов ўз илмий фаолиятида туркий тилларнинг, хусусан, ўзбек тилининг грамматикаси, айниқса, синтаксиси тадқиқига алоҳида эътибор берган. Ўзбек тилшунослигида қўшма гап синтаксиси асосларининг мукамал назарий тарҳи бевосита Фанижон Абдурахмонов томонидан яратилган.

Ўзбек тилшунослигининг катта ютуғи сифатида эътироф этилган, ЎзФА Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари томонидан яратилган икки жилдли “Ҳозирги ўзбек адабий тили” ва икки жилдли “Ўзбек тилининг грамматикаси” (1975) асарларида Фанижон Абдурахмоновнинг мазкур назарий қарашлари ўз аксини топган. Профессор Абдулҳамид Нурмонов ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Илгари гаплар объектив воқеликни ифодалаши ва предикатив белгисига кўра дихотомик тамойил асосида икки гуруҳга – содда ва қўшма гапларга ажратилган бўлса, кейинги икки асарда гаплар ана шу белгисига кўра политомик тамойил асосида содда, мураккаб ва қўшма гапларга ажратилди. Содда ва қўшма гаплар юқордаги белгиларга кўра зидланшининг икки қутбида турса, мураккаб (мураккаблаган) гаплар бу зидланувчилардан ҳар иккисининг муайян белгиларини ўзида намоеън этувчи оралиқ ҳолат қилиб кўрсатилади. Бу фикр Фанижон Абдурахмонов томонидан 1971 йилда Москвада нашр этилган “Туркий тиллар тузилиши ва тарихи” тўпламидаги “Мураккаблаган гаплар синтаксиси” мақоласида акс этди” (Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Т.: “Ўзбекистон”, 2002. –Б.205).

Тилшунослигимизда “боғловчисиз қўшма гап” тушунчасининг юзага келиши ҳам бевосита Фанижон Абдурахмонов номи билан боғлиқдир. Ўзгача илмий ўрганилмаган ва тилшунослигимизда айтарли таърифланмаган мазкур синтактик бирликларни атрофчида тадқиқ этиб, ана шундай тузилмаларнинг ўзбек тилида мавжудлигини асослаб берди ва бевосита илмий муомалага олиб кирди. Тилимизнинг тарихию бугунини, унинг ривожу равнақ йўллариини жуда теран билган ҳассос тилшунос ўзининг профессор Шариф Шукуров билан ҳаммуаллифликда яратган “Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси” китобида боғловчисиз қўшма гапларни шундай таърифлаган: “Боғловчисиз қўшма гаплар қўшма гапларнинг ибтидоий формасидир. Бунинг сабаби шунки, боғловчи иштирокисиз, фақат интонация ёрдами билан


ЧИН СИНЧИ

боғланиш қўшма гап тузишнинг энг оддий усулидир”. Шубҳасизки, мазкур китобнинг яратилиши ўзбек тилини диакхрон тадқиқ этишни янада юқори поғонага кўтарди.

Фанижон Абдурахмонов қадимги ва эски туркий тили бўйича ҳам бир қатор илмий тадқиқот ишларини олиб борди. У тарихий тилшуносликнинг фидоий намояндаси сифатида тарихий манбаларни тадқиқ этиш ва уларни нашр қилишда ҳам фаоллик кўрсатган. Хусусан, қадим тилимиз лугат бойлигининг чин хазинабони Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони лугатит турк” асарининг нашрга тайёрланиши ва индекс-лугатининг тузилиши (1960–1967), Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадуғ билиг” асари нашр этилишида (1971) унинг ҳосқималлиги, масъул муҳаррир сифатидаги хизматлари салмоқлидир. Кейинчалик ҳам Фанижон Абдурахмонов бу манбалар устида ишларни давом эттирди ва 2010–2011 йилларда ҳамкорликда “Қутадуғ билиг” асари қўлёзмалари асосида 5 жилдли илмий-танқидий матнни тайёрлаб, русча таржимаси билан эълон қилди.

Чинакам маънодаги синчи туркийшуносликнинг “Эски туркий тил синтаксиси бўйича тадқиқотлар (XI аср)” китобининг рус тилида Москвада нашр этилиши (1967), академик Алибек Рустамов билан ҳамкорликдаги “Қадимги туркий тил” (1982) китобининг нашр қилиниши ўзбек туркийшунослигини янги ҳосқималли қўтарганлигини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Тил тарихи ва тилшунослик илмининг беназир билимдони сифатида Фанижон Абдурахмонов ўзбек адабий тилининг тарихини даврлаштиришда муваффақият билан масалга ҳам жиддий эътибор билан қараган. Олим ўзгача бўлган турли даврларда турли олимлар томонидан илгари сурилган тил тарихини даврлаштириш бўйича қарашларини таҳлил қилади ва ўзининг бу борадаги илмий асосланган, ишончли тарихий-лисоний далиллар тақозоси ўлароқ ўзбек тили тарихини даврлаштиради. У “Ўзбек адабий тили тарихида қуйидаги даврлар ажралиб туриши”ни таъкидлайди: I. Энг қадимги туркий тил (VII асрдан X асргача). II. Қадимги туркий тил (XI асрдан XIII асргача). III. Эски ўзбек адабий тили (XIV асрдан XIX асргача). IV. Янги ўзбек адабий тили (XIX асрдан XX асргача). V. Табиийки, бу даврлар ҳам тарихий, ҳам тегшли лисоний далиллар асосида батафсил таъриф ва таъриф қилинган. Таъкидлаш жоизки, олимнинг ўзбек адабий тили тарихини бундай



даврлаштириши туркийшуносликка эътироф этилган.

Тилни туганмас сиру синоат олами деб билган Фанижон Абдурахмонов бадиий асар тилини ўрганиш, тадқиқ этиш заруриятини ҳамisha таъкидлаб келган, тил ўзининг бадиий бобида бутун инжаликларини тўласича намоеън қилмоғи учун бадиий матндаги сарҳадсиз майдонга кирмоғи табиий эканлигини яққол кўра ва кўрсата олган филология донишмандидир. Утган асрнинг 60-йилларидаёқ мактаб таълимида ҳам, олий мактабларнинг тегшли йўналишларида ҳам бадиий асар тилини ўрганишнинг фавқуллодда муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаган. Таълим жараёнларининг ҳамisha ичиди (вазир, ректор, профессор мақомларида) бўлган олим Фанижон Абдурахмонов “Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида” номли мақоласида шундай ёзган: “Шуни эсда тутиш керакки, асарнинг тили асарнинг мазмунини таҳлил қилгандан сўнг эмас, балки унинг мазмунини билан баробар олиб борилиши зарур... Ёзувчи умумхалқ тилининг бой имкониятларидан фойдаланиб, адабий тилни бойитади, мукамаллаштиради. Ёзувчининг мазкур имкониятлардан қандай фойдаланганини ўрганиш асосий вазифалардан биридир”. Олим бунда асарнинг синтактик структураси билан боғлиқ кузатишларни олиб бориш, нутқий услуб ва услубларни кўчириш муаммоларини тадқиқ қилиш, ёзувчининг жонли халқ тилидан фойдаланганлиги даражасини аниқлаш, ёзувчи ашшан даврни эътиборга олиш каби масалаларни

ҳам назарда тутиш лозимлигини таъкидлайди.


Мамнуният билан айтиш лозимки, Фанижон Абдурахмонов бутун умри давомида устоз деган беҳад шарафли номни адоқсиз хузур билан елкалаб ўтди. Устоз олий ўқув юртлари, академик лицей ва ўрта мактабларда тил ўқитиш сифати ва самардорлигини ошириш бўйича ҳам самарали меҳнат қилди. Унинг олий ўқув юртларининг филология факультетлари талабалари учун ёзган “Ҳозирги ўзбек адабий тили. II қисм. Синтаксис”, “Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Морфология ва синтаксис”, “Ўзбек тили грамматикаси (синтаксис)”, “Қадимги туркий тил”, нофилологик олий ўқув юртлари талабалари учун ёзган “Ўзбек тили ва адабиёти”, академик лицейлар учун ёзган “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, ўрта мактабларнинг X–XI синфлари учун яратган “Она тили” дарсликлари бир неча йиллар мобайнида қайта-қайта нашр қилиниб, ҳозиргача ҳам ёшларни ўзбек тилининг соҳир хазинаси билан ошно қилиб келмоқда.

Улуғ устоз, тилимиз синоатининг чинакам синчиси академик Фанижон Абдурахмонов қолдирган бениҳоя рангин ва залварли илмий меъроси ҳали жуда кўп миннатдор шоғирлар шуурини нурафшон қилаверади.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор

ТАРИХДАН САДО

Узоққа бориб ўтирмайлик, сўнгги икки асрда ўзгалар томонидан ёзилган сиёсий-иқтисодий соҳага оид эсдалликлар, саёҳатномалар, илмий тадқиқотларга ишонадиган бўлсак, яқин ўтмишда тахт сўраган хонлар амирларимиз фақат “эл-юртни талаган” бўлиб чиқади. Гўёки, улар зулм билан раиятдан турли солиқларни ундириган ва йиғилган газнани машаққатлари ишлатган. Ҳатто “зулмкор хонлар ҳисоб-китобни билмаган, ўзлари, атрофидаги амалдорлар, жойлардаги улус оқсоқоллари раиятдан йиғган солиқларни пароканда бир тартибда ишлатган”, дейишгача борадиган “тадқиқотчи”лар ҳам йўқ эмас. Бу ноҳолис “тадқиқот”лар кейинчалик тарих дарсликларига кўчиб, хону амирлар “олабўжи” ва “ғўймақ кишилар бўлганига бошқаларни ишонтира олди ҳам.



Хўш, ҳақиқатан ҳам шундайми? Келинг, бу саволга ҳолис жавоб топиш учун Хива хонлигида газна ҳисоб-китоби қандай юритилганига оид ҳужжатлар билан танишайлик. Хонлик 1873 йилнинг жавзосида чор ҳукумати томонидан куч билан забт қилинган, мустамлакачи кўшин сафида келган олимлар биринчи навбатда кўнча Арқдаги хонлик ҳужжатхонасидаги барча қўлёзмаларни қўлга киритган. Иванов деган олим ўрдада сақланаётган солиқ ва харажатлар тўғрисидаги дафтарларнинг аксар қисмини олиб, кейинчалик Салтиков-Шедрин номидаги давлат кутубхонасига топширган. Академик Бартольднинг шахсий архивида сақланаётган қўлёзмаларнинг катта қисми айнан Хива хонлигига тегшли бўлган. Бу ҳужжатларнинг кўпи саройда юритилган молиявий дафтарлардан иборат.

Хонлик мустамлака даврида ҳам, қадим одатга кўра, газна ҳисоб-китобини мунтазам юритиб борган. 1873 йилдан 1920 йилгача хонликда юритилган молиявий ҳужжатлар жами 333 дафтардан иборат бўлиб, бу ҳужжатлар Ўзбекистон Марказий архивининг 125-фондида сақланмоқда.

Босқин даврида кўпгина дафтарлар йўқ бўлиб кетган, уларни оддий аскар ва зобитлар кўнгилхушлик учун ёки юборган ёки кейинчалик сотиш мақсадида сақлаб қўйган. Сақланиб қолган дафтарлардаги ёзувлар хонликда қатъий молиявий ҳисоб-китоб юритилганини исботлайди. Аҳолиси 600 минг кишидан ошган хонликда турли

солиқларни йиғиш ва хазинага топшириш қатъий тартиб асосида ташкил этилиб, ҳар бир ҳудуд ва соҳа бўйича солиқ йиғишга масъуллар тайинланган. Дафтарларни юритган шахсларнинг исм-шарифи, вазифасидан келиб чиқса, солиқ (солтуғ)ларни йиғишга жами 36 киши масъул этиб белгилангани аниқ бўлади. Тўпланган солиқларни газнага топшириш жараёни саройдаги икки амалдор назоратида бўлган. Уларнинг бири хонлиқнинг кунчиқар, яна бири кунботар томонидан йиғилган солиқларни кириб қилган.

Солиқлар “маҳит қавми” тарзидаги ҳудудий бирлик асосида ундирилган. 1850 йилларда хонликда бир ярим мингга ақиб масжид қавми бўлиб, солиқ дафтарларидаги рақамлардан ҳар бир ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий аҳолини билиб олиш мумкин. Хонлиқнинг даромадлари ва солиқ микдорини аниқлашда бу ҳужжатлар катта аҳамиятга эга. 754 масжид меҳтарнинг, 794 масжид эса қушбегининг ихтиёрида бўлган.

1856 йилда ер солиғи сифатида хазинага 40 минг 993 тилло тўлаган 23 минг 11 хонадон борлигини кўрамыз. Ўша даврда ҳар бир хонадонда ўртача беш-олти одам истиқомат қилгани эътиборга олинса, 600 минг киши қамда 100 минг хонадон атрофида бўлиши керак-ку, аммо, нега фақат уларнинг тўртдан бири солиққа тортилган?

Бу ўша даврда амалда бўлган имтиёзлар билан боғлиқ. Хонликда солиқдан озод қилинган аҳоли қатлами рўйхати анча катта. Уларга етимлар, навкарлар, имомлар, саййидлар авлодлари ва бошқалар кирди. Бундан ташқари, бозорлардан, чорвадорлардан, хунармандлардан тушадиган солиқлар ҳам анчагина. Бу ёқда бож ундирувлари ҳам бор.

Хўш, ўтган замон тарихчилари тили билан айтсак, “зулм билан тўпланган солиқлар” дан тушган маблағлар қандай истифода қилинган?

Хоннинг девонбегиси Матмурод юритган чиким дафтариди шундай ёзувларга кўзимиз тушади: “Кўқонлик тўранинг бир ойлик кўнучи учун 20 тилло берилди”; “Муҳаммад Назир ошпазга бир ойлик ўтини

гарига кетган шамхолчи Худойберган Тош юзбошининг қирқ тўққиз навгарига қирқ тўққиз тилло берилди, ўзига ҳам уч тилло берилди”; “Этук девонасига (этик сўраб келган девонига) бир кужилли этик матосини 12 тангага олиб калантарга (хунармандлардан, хунармандлардан тушадиган солиқлар ҳам анчагина. Бу ёқда бож ундирувлари ҳам бор.) берилди”; “Раҳмат бақол анор келтирган-да икки тилло берилди”; “Афғонларга беш тилло берилди”; “2 ойда ушоқлаб олинган сирка 4 тилло...”

Хон яшайдиган ва юрт сўрайдиган Арқ учун кетган харажатлар иппидан-игнасигача ёзиб борилган. Улар орасида хон оиласи, меҳмонлар учун ҳар кунлик берилган озиқ-овқат микдори, хон ва унинг оила аъзолари учун тикиладиган кийим-бош учун қанча

узоқ йиллар мироб лавозимида ишлаган, қазув вақтида тасодиф отдан йиқилиб, майиб бўлиб қолган, қолган умрини ижодга бағишлаган, хон тақлифи билан кўплаб асарларни таржима қилган. Бу таржималари учун унга яхши ҳақ тўланган. Бундан ташқари, Огаҳийнинг қалъа яқинида бо-бомерос каттагина ери ва боғи ҳам бўлиб, бундан салмоқли даромад олган. Саройга “Рамазон” айтиб боришини шoirнинг қадим қадриятларга бўлган хурмати ўрнида қабул қилиш керак.

Яна сарф-харажат мавзусига қайтамыз. Каттагина салтанат тахтида ўтирган хонга бериладиган қанд газнадан харажат сифатида дафтарга қайд қилиб борилганига ишонасизми? Мана тарихий ҳужжатлар: “Сешанба кун иҳозратимиз Анкарик ҳовли-

рида бўлмагани, талон-тарожга йўл қўйилмаганидир. “Сарф-харажат дафтар”лари хонликда ҳисоб-китоб тизими айтиш таркиб топган ҳолат бўлгани, булар шунчаки тарих учун эмас, аслида, адолат мезонига дарз етмаслиги учун мунтазам юритилгани асл ҳақиқатдир.

Хон ва амалдорлар газна ҳисоб-китобини мунтазам юритиш билан чекланиб қолмасдан, масъуллардан бу борада ҳисоб сўраб турган. Ҳисоб жуда қаттиқ бўлган – салгина талон-тарож ҳолати аниқланса, масъулларнинг (девонбегии, хазинабон ва бошқалар) бошлари кесилган, бор мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинган.

Жалолиддин Мангуберди мўғуллар билан тинимсиз савашлари даврида ўзга тупроқларда вақтинча каттаю кичик салтанатлар тузгани тарихдан маълум. Деярли кўчманчи ҳаёт кечирган бўлса-да, у девондаги барча молиявий ҳисоб-китоблар адолатли юритилишини ўзи назорат қилганини тарихчи Насафий баён қилади.

Эринмасдан тадқиқ қилсангиз, солиқ дафтарларида келтирилган рақамлар, яъни йиғилган солиқ микдори сарф-харажат дафтарларидаги рақамларга тўла мос тушишига гувоҳ бўласиз. Ҳисоб-китобни қатъий, адолатли юритиш раиятда ҳукмдорнинг адолатпеша эканига ишонч уйғотиши билан бир қаторда, унинг тахтдаги умри узайишига ҳам замин яратган, улус тинч ва фаровон яшашини таъминлаган. Тарихда катта-кичик салтанатларда тўсатдан рўй берадиган силкинишлар – исён ёки тахт алмаштириш замирида ҳам айнан газнанинг бўшаб қолиши, талон-тарож қилиниши сабаб бўлганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айни пайтда, барча замонлар ва салтанатларда жоҳил бандлар газнага кўз олайтириб, нафсига эрк бергани каби ҳолатлар бўлганидан ҳам кўз юрмаймиз.

Ўзгалар томонидан ёзилган тарихимизни қайта тадқиқ қилиш, асл ҳақиқатларни юзага чиқариш ва бундан халқни хабардор қилиш вақти аллақачон етган.

Рўзимбой ҲАСАН



учун 5 тилло берилди”; “Эшбой сувчининг ўлиғига бир тилло берилди”; “Қора дўғмаларнинг (дўғма етим ва кул маъноларида келади) бир ойлик кўнучи учун 20 тилло берилди”; “Сафар ойда табиб бобога 2 ботмон обжўш (майиз) узум берилди” ва хоҳазо.

Сарф дафтарларида кизик ёзувлар кўп учрайди. Мисол тариқасида айримларини келтирамыз: “Қайиқларнинг шикасти-растига ўн олти танга харажат бўлди”; “Оқсоқолларнинг ойлиқи учун беш ярим кирванка чой берилди – йигирма бир танга”; “Мазкур ойнинг йигирма саккизинчиси сешанба кун Илонлидоғи йимралини сан-

мато кетгани, ҳатто унинг ов милтиғи учун филоф олингани ҳам алоҳида санаси ва нархи билан қайд этилган.

Рамазон ойда ҳайру эҳсон учун сарф қилинган харажатлар рўйхати анчагина узун. Бунда эътиборга лойиқ бир ёзув сақланиб қолган: “Огаҳий саройга “Рамазон” айтиб келганида, унга ўн тилло олиб берилди”. Айни шу ёзувни совет тарихчилари “улус шоирни оғир ҳаёт тиланчилик қилишга мажбурлаган”, “саройда рамазон айтиб, тиланчилик қилишгача борган” каби ёлғонлар билан ўраб, хон ва уларнинг амалдорларига ноҳақ тош отишди.

Аслида, Огаҳий ҳазратлари хонликда



МИЛЛАТ ФИДОЙЛАРИ

1938 йилнинг 5 октябрида ҳукми эълон қилинган, бироқ 4 октябрдаёқ ёппасига отиб ташланган 36 нафар ватандошимиз тўғрисида ҳар гал ўқиганимизда, жон-танимизга титроқ киради. Уттиз олти қурбоннинг ҳалқимиз тақдирига дохил уттиз олти ҳикояти бор.

Қудратулла Юнусов 1896 йили Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Унинг болалик даври жадидлар фаолияти шаҳри азиятида кенг кулоб ёйиб бораётган вақтларга тўғри келди. Хусусан, бу пайтда, Абдулла Авлонийнинг "Тархимаи холи"дан маълум бўлишича, 1904 йилда Тошкентда яширин "жадидлар тўдаси" иш бошлади. 1909 йил 12 майда Мунаввар қори Абдурашидхон, Мулла Абдулла Авлонов (Авлоний), Баширулла Асадиллаҳужаев, Тошҳожий Тўққубов, Низом қори Ҳусанов муассислигида "Жамияти хайрия" ташкил этилади. Мазкур жамият бир йил кейин Бухорода тузилган "Тарбия атфол" жамияти билан бирга истеъдодли ёшларни чет мамлакатларга ўқишга юборишдек хайрли ишни бошлаб юборди.

Сўнгра, 1913 йили "Турон" жамияти, 1914 йили эса Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдулла Авлоний, Муҳаммадхон Пошшаҳужаев, Тўлаған Хўжамиров (Тавалло) ва бошқалар муассислигида "Наширёт" ширкати ишга тушади. Мазкур маърифий ташкилотларнинг тузилиши, бундан аввалроқ янги усул мактабларининг очилиши, ўзбек тилида қатор газеталарнинг босила бошлаши Туркистонда бир маромда кечаётган ҳаёт денгизини тўлқинлантириб юборди. Тошкентлик шоир ва ёзувчилар "Ал-Ислоҳ" журналида, "Тараққий", "Хуршид", "Шухрат", "Тужор", "Осиё", "Садоий Туркистон" газеталарида ўз асарларини чоп этиш имконига эга бўлади. Китоб нашр қилиш ишлари ҳам йўлга қўйилиб, турли баъз ва мажмуалар чиқа бошлади.

Тошкентдаги ушбу маърифий муҳит, жадидлик руҳи Қудратулланнинг шахсий камолотида маънавий таянч бўлиб хизмат қилади. Гарчи у ота-

ЖАДИДЛАР ҲАЛҚАСИ

онаси кўмагидан баҳраманд ўсган бўлса-да, жамият шароити болани барвақт меҳнатга олиб кирди: олдинга оддий ишчи, сўнг қадоқловчи ва котиб бўлиб ишлади. Шунга қарамай, ўқиб-ўрганишга доим вақт топди, иштиёқини сўндирмади. Тилларни пухта ўрганди, олий маълумотга эга бўлиб, нуфузли библиограф, турк-татар тиллари бўйича моҳир таржимон ҳамда муҳаррир бўлиб



Қудратулла Юнусов (1896–1938)

етишди. Шу тариқа, секин-аста ўзининг илмий-амалий фаолиятига хос маскан – ўша даврда СССР миқёсида халқроқ библиография марказига айланган Бутуниттифоқ китоб палатасида ишлаб бошлади. Қудратулла Юнусовнинг Москвада ана шу нуфузли муассасадаги меҳнати унинг маърифатпарварлик руҳини чарҳлаб, жадид аъналарига садоқатини кучайтирди. Турли тиллардаги адабий ва илмий манбалар билан танишгани сайин, тасаввурини янада кенгайтиди, ўз миллати тақдирини учун маърифатнинг қандай беқиёс қудратга эга эканини англай борди.

1915 йилга келиб Низомиддин Хўжаев, Абдулла Авлоний, Сало-

ҳиддин Муфтий, Шокиржон Раҳимий, Миразиз каби етакчи зиёлилар ташаббуси билан "Турон" жамияти фаоллашди ва у жадид мафкураси ҳамда миллий ўзига хосликни тарғиб этувчи муҳим марказга айланган. Қудратулла Юнусов ҳам айнан шу даврдан бошлаб мазкур жамият фаоллари сафига қўшилиди.

1917 йили Россияда рўй берган ўзгаришлар Туркистон ўлкасига ҳам таъсир қилиб, бошбошдоқлик ва сиёсий беқарорликка олиб келгани, Туркистон ўлкасида совет тузумини қарор топтириш учун большевиклар маҳаллий ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллагани тарихдан маълум. Шу боис, миллий давлат ғоясини қўллаб-қувватловчи маҳаллий зиёлилар сиёсий майдондан мутлақо четлатилган эди. Оқибатда, миллий манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган яширин ташкилотлар пайдо бўла бошлади. Ана шулардан бири 1919 йили Мунаввар қори Абдурашидхон ва Садриддин Шарифхўжаев ташаббуси билан Тошкентда ташкил топган "Миллий иттиҳод" эди. Ташкилот тез орада миллий озодлик ғояси марказига айланб, 1920 йилнинг кузида Қудратулла Юнусов ҳам унга қабул қилинади.

1921-1922 йилларда "Миллий иттиҳод" таркибиде алоқачи сифатида фаолият юритиб, аввал Тошкентда Мунаввар қори билан учрашиш орқали ташкилот кўрсатмаларини қабул қилиб туради. У ҳар бир топшириқни бажариш жараёнида алоқачлар доирасини босқичма-босқич кенгайтириб боради, шу орқали Саъдулла Турсунхўжаев ҳамда Абдуқодир Қўшбеғиев билан мулоқотга кириб, Бухорода ҳам ишончли боғланиш нуқталарига эга бўлади.

Айни шу даврда Тошкентдаги "Туркистон ширкати" магазини асосий алоқа марказига айланади ва 1922-1923 йиллар давомида шу ерда шифрли хабарларни қабул қилиш ва етказиш ишларида Юнусов узлуksиз иштирок этади. 1923 йилдан жараён Бухорога кўчади, Юнусов бир неча марта ушбу шаҳарга сафар қилиб, Али Расулов хонадонига ўтган йиғилишларда шахсан шифрли маълумотларни топшириб, қабул қилиб боради. Шу орқали у Бухоро тармоғининг ҳам ишончли алоқа бўғинига айланади.

1924 йилга келиб, қаҳрамонимиз

иштирокида маълумот алмашинув жуғрофияси яна кенгайганини кузатамиз. Бу гал алоқа занжирига Москва йўналиши ҳам қўшилади. Қудратулла Юнусов Темиркул ва Фулом Икромов орқали Москвадан келган маълумотларни Тошкент марказига етказар, шу билан бир қаторда, Тошкентдан Москвага хабарларни ҳам мунтазам узатиб боради. 1921–1924 йиллар давомида у Тошкент, Бухоро ва Москва ўртасида ахборот алоқасини узлуksиз таъминлаб турган шахсга айланади. Бу жараёнда Мунаввар қори, Саъдулла Турсунхўжаев, Абдуқодир Қўшбеғиев, Али Расулов, Темиркул ва Фулом Икромов ўз йўналиши, ҳудуди доирасида муҳим вазифани бажарган бўлсалар, Юнусов ана шу тармоқларни ўзaro боғлаб турувчи мустақкам халқа эди.

Қаҳрамонимиз 1931 йилда хизмат сафари билан Москвага юборилиб, гарчи ўқиш мақсадида бўлса-да, "Миллий истиқлол" ташкилотининг ўша ердаги тармоғи билан фаол боғланади. У ерда Абдулҳай Тожиев, Муҳитдин Турсунхўжаев, Назир Шоабдурасулов, Мирмуслим Шермухаммедов ва Юсуф Алиев билан бир сафда иш олиб боради. Бу муҳитда Юнусов фаолияти расмий таълим билан чекланмасдан, ўзбек талабалари орасида миллий руҳдаги суҳбат ва муҳокама билан бойиди: тарихий хотира, ўзлик, Туркистоннинг келажак макामी каби масалалар мунтазам муҳокама қилинди. Бу мулоқотлар, илмий-бадий баҳс ва миллий руҳни мустақкамловчи суҳбатлар юртининг келгуси бошқарувда иштирок этадиган ёш кадрларнинг ўзини англашида ғоят муҳим эди.

Эътиборли жиҳати, Қудратулла Юнусов Москвада Бутуниттифоқ алфавити бўйича комитет котиби сифатида ҳам ишлайди. Бу иш янги алфавит, янги таълим тизими орқали халқлар маданияти ва ёзиш усулини янгилаш билан боғлиқ эди. Бироқ ушбу жараёнда тил, маърифат ва таълимга эътиборнинг кучайиб кетиши совет расмийлари назаридан четда қолмади. Улар бу иш ортида халқнинг миллий ўзлигини англаш хавфини кўра бошлади. Бу эса кейинчалик Юнусов тақдирига ҳам таъсир этмай қолмади.

1930 йиллар охирига келиб, СССРда сиёсий муҳит кескинлашди, оммавий равишда "халқ душмани"

деган сунъий образ ишлаб чиқилди. Натижада жадид зиёлилари, фикр соҳиблари ҳамда мустақил тафаккурга эга шахслар кенг қамровли таъқиб ва кузатув остига олинди. 1937 йил 28 август куни Қудратулла Юнусов Москвадаги яшаш манзилдан ҳибсга олинади. У аввал Бутирка қамоғида сақланиб, сўнг 1937 йил 15 сентябрда Тошкентга этап қилинади. Тергов давомида унга совет ҳокимиятини ағдарилганга қасд қилиш, чет эл разведкаси билан алоқа ўрнатиш, Қўбулдаги инглиз консуллиги билан шифрли ёзишмалар олиб бориш, Миён Бузрук орқали инглизлар билан алоқа қилиш каби бир қатор айблар кўйилади. Бу ўринда унинг "инглизлар орқали икки аҳад ёзув машинкасини келтиргани", "бир ярим йил давомида квартирасида инглиз тили мутахассисини сақлагани" ва шунга ўхшаш вазифалар ҳам "далил" ўрнига ўтади.

Тақдирнинг аччиқ ҳақиқати шундаки, Қудратулла Юнусов бор умрини бағишлаган барча эзгу ишлар: таълим, тарбия, таржима, тил ислоҳоти, талабалар билан маънавий суҳбатлар... бари бир кунда "жиноят" сифатида айбловга айланган. 1938 йил 5 октябрда Тошкентда ўтган СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида Қудратулла Юнусов отувга ҳукм қилинади...

Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг хотиралари эсга келади: "Ўттизинчи, эллигинчи йилларда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари бегуноҳдан-бегуноҳ сурун қилинганлар, ҳибсга олиниб, отиб ташландилар. "Қамалдилар, отиб ташландилар", дейиш осон! Аммо бу – қамалган, отиб ташланганларнинг оху нолалари, азобу хўрликлари, уларнинг хонавайрон бўлган оилалари, бола-чақалари, эридан айрилган аёлларнинг фарёдлари, дарбадарликларини ҳамма ҳам бир дам кўз олдига келтириб, юракдан ҳис қила олмади, дейсизми?"

"Отиб ташланди!" Бегуноҳ қатл қилинаётган одамнинг ҳолатини ҳис қила оласизми? Йўқ! Унга ачина-сиз, албатта, "аттанг" дейсиз, аммо унинг жувонмарг орзу-мақсадларичи?!"

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Исломош Исмошаев – 1892 йили Бухоро шаҳрида туғилган. "Миллий иттиҳод" ташкилоти Бухоро бўлимидан фаол аъзоси. Мазкур ташкилотнинг топшириғи билан ташқаридагилар ҳамда Файзулла Хўжаев билан яқиндан алоқада бўлганликда айбланган. Ҳибсга олинган вақтда "Ўзбекирлашув"да маслаҳатчи бўлган. 4609-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 10 августдан ҳисобланган.

Эргаш Бойхонбоев – 1900 йили Наманган шаҳрида туғилган. У 1921 йилдан "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, босмачилар тўдаси қўрбоши Омонполвоннинг алоқа боғловчиси сифатида айбланган. Икромов ва Болтабоевларнинг алоҳида кўмагидан фойдалангани учун 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1937 йил 8 ноябрдан ҳисобланган.

Усмон Ёдгоров – 1903 йили Қўқон шаҳрида туғилган. Ижтимоий келиб чиқишини яширигани учун партиядан ўчирилган. "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий ташкилоти раҳбарияти билан алоқаси бўлган. Ҳибсга олинган вақтда "Сталин йўли" газетаси таҳририятига котиблик қилган. Совет ҳокимияти қарши душманлик муносабатиде бўлгани, аксилинқилобий гуруҳ йиғинларида иштирок этгани, мағлубиятчилик характерида шерьлар тарқатгани, Троцкий, Бухарин, Тухачевский ва бошқа халқ душманларини мактагани учун ЎзССР Жиноят кодексининг 66-модда 1-банди ва 67-модда билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Салоҳиддин Муфтизода – 1886 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Эски мактаб ва мадрасада таҳсил олган. "Граммфон" жамиятида фаолият юритган. Тамбанининг "Гулистон" асарини ўзбекчага таржима қилган. Убайдулла қори Эрқозиев, Саъдуллаҳужа Турсунхўжаев даврасида бўлган. "Уламо Жамияти" ва "Турон" жамияти аъзоси. "Таҳқиқсиз садокат" мақоласини "Нажот" газетасида эълон қилган. Туркистон мухторияти ҳукумати таркибига кирган, мухторият тугатилгач, большевиклар таъқибидан Сибирга қочган ва маълум вақт Томск шаҳрида яшган. 1919 йили ВКП(б)га аъзо бўлган, 1925 йилгача совет идораларида ишлаган. 1921 йили "Миллий иттиҳод" ташкилотига кирган ва унинг фаолларидан бири саналган. Туркистон даврий матбуотида мунтазам қатнашган. 1932 йил 25 ноябрда ЎзССР давлат кино бошқармасида ишлаб турган пайтда қамоққа олинган. ЎзССР Жиноят кодексининг 57/10-, 58/10-моддалари билан совет давлатига қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. 1933 йили 4 майда унга кўйилган отув ҳукми 10 йил қамоқ жазосига алмаштирилган. 1992 йил 16 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди С.Муфтий-зодани оқлаган.

Йўлчибой Тошматов – 1882 йили Сталин райони Рўзи маҳалласида туғилган. "Шўро Исломи" аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлган. Қамоққа олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган. "Шўро Исломи" аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлганликда, тез орада совет ҳокимияти йўқ бўлиши тўғрисида иғво тарқатганликда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-бандига асосан 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

Абдуқаном Мадалимов – 1882 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳибсга олинганга қадар Тошкент шаҳрида яшган. 1929 йили 6 ноябрда қамоққа олинган. Босмачиларни уй-жой билан таъминлашда, 1929 йили солиқ тўлашдан бош тортган бойларни яширганликда, батрақларни жазолашда, сиёсий ҳаётда советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган. 1931 йил 25 апрелда РСФСР Жиноят кодексининг 58/10-, 59/3-моддаларига биноан 10 йил муддатга концлагер қамоғига ҳукм этилган. 1989 йил 29 мартда реабилитация қилинган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори
Нигорахон АКБАРОВА,
музей илмий ходимаси

(Давоми келгуси сонда).



“**Инсон қалбиде миллат, Ватан, аждодлар руҳи олдидаги бурч ва тўғилган қанчалик чуқур жой олган бўлса, маҳдудлик ўрнига миллий ғоялар вужудга келади.**”
Абдулла АВЛОНИЙ

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ҒОЙИБ БЎЛГАН УЧОҚ КИДИРИЛАДИ

Malaysia Airlines авиакомпаниясининг Куала Лумпурдан Пекингга учган МН370 рейси бўлақларини қидириш учоқ ғойиб бўлганидан 11 йилдан кўпроқ вақт ўтиб 30 декабрь куни қайта тикланади, деб хабар бермоқда "Reuters" Малайзия расмийларига таяниб.



Бу жараён 2025 йилнинг март ойида бошланган, аммо ёмон об-ҳаво шароити туфайли апрель ойида тўхтатилган қидирув ишларининг давоми бўлади.

Куала Лумпурдан Пекингга МН370 рейсини амалга оширган Boeing 777 2014 йил 8 март куни радарлардан ғойиб бўлган. Борда 12 экипаж аъзоси ва 227 йўловчи, жумладан, хитойлик 150 нафар, малайзиялик 50 нафар, шунингдек, Франция, Австралия, Индонезия, Ҳиндистон, АҚШ, Канада, Украина ва бошқа мамлакатлар фуқаролари бўлган.

АРИЗАЛАР ҚҮРИБ ЧИҚИЛМАЙДИ

АҚШ президенти Дональд Трамп маъмурияти хавф даражаси юқори бўлган 19 та давлатнинг барча иммиграция аризаларини қуриб чиқишни тўхтатди, деб ёзмақда "CBS News" АҚШ фуқаролик ва иммиграция хизматининг (USCIS) ички йўриқномасига таяниб.

Қарор ўтган ҳафта Оқ уй яқинида АҚШ Миллий гвардиясининг икки ҳарбий хизмат-



чисига қилинган ҳужум билан боғланмоқда. Ҳужумда гумон қилиниб, Афғонистон фуқароси қўлга олинган.

Рўйхатга Африка, Лотин Америкаси ва Осиё мамлакатлари, жумладан, Эрон, Афғонистон ва Туркменистон киритилган.

СУВ ТАҚСИМЛАНДИ

2026 йилда Ўзбекистон Амурдёрдан 22 млрд куб метр, Сирдарёдан 3,3 млрд куб метр сув олади. Марказий Осиё давлатлараро сув ҳўжалиги мувофиқлаштирувчи комиссияси 2025 йил ноябрда Ашхободда бўлиб ўтган 91-йиғилиши якунларини эълон қилди.



Комиссия йиғилишида мамлакатлар 2025-2026 йилларда бўлажак вегетация даврида сувдан қандай фойдаланишни келишиб олди.

Амурдёрдан 2025 йил октябрдан 2026 йил октябргача сув олишнинг умумий лимити қарийб 55,4 млрд куб метр миқдорида белгиланган. Шундан 15,9 млрд куб метри совуқ давр – октябрдан апрелгача бўлган даврга тўғри келади. Тожикистонга йилга 9,8 млрд куб метр, Туркменистон ва Ўзбекистонга 22 млрд куб метрдан ажратилган.

Сирдарё бўйича вегетация даврида сув

олишнинг умумий лимити 4,219 млрд куб метрни ташкил этади. Қозоғистон "Дўстлик" канали орқали 460 миллион куб метр, Қирғизистон – 47 миллион, Тожикистон – 365 миллион куб метр сув олади, асосий улуш Ўзбекистонга тегишли – 3,347 миллиард куб метр.

БОШ ВАЗИРГА ҲУКМ

Киевнинг Печёрский туман суди Украинанинг собиқ бош вазири Николай Азаровни сирдан барча мол-мулки мусодара қилинган ҳолда 15 йилга озодликдан маҳрум қилди, деб ёзди "Суспильне".



Ҳукм 25 ноябрда чиқарилган, аммо иш материаллари фақат 2 декабрда эълон қилинди, деб таъкидлади нашр. Бугун суд ҳукмига украинаник журналистлар эътибор қаратди. Суд Россияда бўлиб турган Азаровни давлатга хиёнат ва конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга уринишда айбдор деб топди.

3 ЙИЛДА 200 МИНГ КАСАЛЛИК



Ҳиндистон пойтахти Деҳлидаги олти давлат касалхонасида 2022–2024 йиллар оралигида 200 мингдан ортиқ ўткир рес-

пиратор касаллиги ҳолатлари қайд этилди. Бунга бутун мамлакат бўйлаб ҳаво ифтослиши даражасининг ошиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Бу ҳақда Ҳиндистон ҳукумати таяниб "ВВС" хабар берди.

Ҳукуматнинг парламент йиғилишида маълум қилишича, мазкур уч йил давомида 30 мингдан зиёд одам нафас йўллари касалликларига чалиниб, касалхоналарга ётқизилган. Деҳли ва унинг атрофларида заҳарли ҳаво, айниқса, қиш ойларида тақорланувчи муаммо бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда Деҳлининг ҳаво сифати индекси – ўпкага тегишли қилиши мумкин бўлган PM2.5 каби майда зарраларни ўлчайдиган кўрсаткич Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан таъсия этилган меъёрдан 20 баробардан кўпроққа ошиб кетган.

ПАРАНЖИ УЧУН ЖАРИМА

Қозоғистонда жамоат жойларида ниқоб, бурқа ва паранжи кийганлар жаримага тортилиши мумкин. Бу ҳақдаги қонун парламентнинг қуий палатаси – Мажлисда иккинчи ўқишда қабул қилинди.



Бу қонун жамоат жойларида юзни ёпувчи кийим кийганлик учун жавобгарликни белгилайди.

Қонун билан Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар киритилди. Юзни тўсадиган кийимда жамоат жойида биринчи марта кўринган одамга огоҳлантириш берилади, тақорон содир этилса – 10 ойлик ҳисоблаш кўрсаткичлари миқдорида жарима солинади. Бу тахминан 40 минг тенге ёки 80 долларга тенг.



ҲАЖВ

ЯҚО ТУТАМЛАБ...

Ноҳус кунлардан бирида тилпунда пидбул кўриб ўтириб, танаф-фусда дунёга ҳам бир бўйлаб кўяй деб ивирсиб, бир жуфт ювқисиз-нинг наҳслашган гурунгини билмай босиб олдим. Таассурот будур:

Истиффор айтганим айтган:
эркамми бул, аёл ёки,
Кўрганим алвасти тушму ё,
ажина хаёл ёки.

ИТ*дан тарқанган нухсаси
муханнасдан бичим олган,
Бул эрларга сўроқ ёки,
хотунларга савол ёки.

Чалиб сурнай – чирмандалар,
шуҳратланур шармандалар,
Ювқисизлар арзандалар...
уйт топди завол ёки.

Ҳеббимижозга бир қаранга,
елкада адреси таранга,
Ғамзада устози фаранга,
қийқиқму бу, рўмол ёки?

Қиёматдан хавотирман,
калима айтаётирман,
Бўлурму ҳеч ҳўкизжонга
ҳўкиз жуфти ҳалол ёки?

Ияк силлик, кўса дейсан,
зулфин қизлар кўрса дейсан,
Сақолин қиртиш айлагандир ё,
валади бесақол ёки.

Сўқир кўзга ойна невчун,
нигоҳда на маъни, мазмун,
Яқин шарқда ҳайдаганлар,
итаргандир шимол ёки.

Буюкларга осилсам гар
ном қозонгум дейди зангар,
Ҳаром ўлиб хор бўлурсан,
бор, қўзимдан йўқол ёки!

Муборак тахаллусимни бул палидларга бахшида лаънатномага
тирмамаслик учун шёърга кўшмай, энгимни бурнимга қалпоқ айлаб,
қавс** ичинда тажанг битдим.

* Ижтимоий тармоқ

** декабрнинг эскича номи бўлса керак.

Саттор СУРОБ



ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

ОСМОНГА ТУПУРМА!



“Тошойна” подкастида Ҳазратимиз Навоийни ҳақоратлаган адрес кийган “тарихчи” Бахтияр Алимджановни Ҳазрат Навоий номидан судга бермоқчи эдим. Лекин Баҳодир Қобул уни аллақачон судга берганини менга айтишди. Шунинг учун судга беришдан тийилдим. Бу “тарихчи” ушбу кўрсатувда Ҳазрат Навоий ғазалидаги “Мени мен истаяган ўз суҳбатига аржуманд этмас” мисрасини “Навоийга сифатли с**с етишмаган” деб талқин қилган.

Эй Бахтияр Алимджанов! Сенинг бу гапинг Жиноят кодексининг 140-ва 156-моддаси бандларига тортади. 140-моддадаги Ҳақорат (Интернет орқали содир этилган), 156-модданнинг 1-миллий қадриятларни таҳқирлаш; 2-халқнинг маданий рамзларига нисбатан нафрат уйғотиш; 3-жамоатда зиддият чиқариш каби бандлар бўйича жавобгарликка сабаб бўлади. Бу жиноятга жазо эса 3 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилишдир!

Эй Бахтияр Алимджанов! Сен Ҳазрат Навоийни хоҳлаганингча тушунавер! Узингни қаричинг билан, ўзингни жунинг билан ўлчайвер. Ҳеч ким мо-

неъ эмас. Лекин буни оммага ошкор қилишинг сенинг айбонг, сенинг ҳаётинг, сенинг жиноятингдир! Ҳатто атеистнинг ҳам атеистлигига ҳеч ким монёе бўлмади. Қачонки ўша даҳрий муқаддас отларни таҳқирласа кейин жавобгарликка сабаб бўлади. Сенинг ишинг ҳам худди шундайдир.

Эй Бахтияр Алимджанов! Филологияда “...ўз суҳбатига аржуманд этмас” мисрасидаги “суҳбат” сўзининг юздан ортиқ талқини бор. Ҳазрат Баҳодирдин Нақшбанд “Биз нима топсак суҳбатдан топдик, биз нимага эришган бўлсак, суҳбат орқали эришдик” деганидек Ҳазрат Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асариди “суҳбат”нинг бир қанча камолот даражасини санаб ўтганлар. Тасаввуфни заррача билганингда эди, шу айтган гапингга қаттиқ уялган бўлардинг!

Эй Бахтияр Алимджанов! Агар виртуал археолог бўлиб Google кешини қовлаб кўрсанг, Ҳазратимиз Навоий уйланимагани учун (астафируллоҳ, ҳатто ёзишга уялиб кетяпман)**** деб ҳақорат қилган қаланги-қасангиларни ҳам кўрсан. Яна бир “Бобомурод Абдулла” деган сенга ўхшагани бор, қачон қарасам, Ҳазрат Навоийни бесоқолбоз, Имом Бухорий “Биққи”, Нақшбандни “нақшбандит” деб ҳақорат қилади.

Шукур ЖАББОР
Фейсбук

ЖАДИД ШИФОХОНАСИ

ЮРАҚДАН ГАПИРАМИЗ!

Нодира ШАРИПОВА,
олий тоифали кардиолог:

– Баъзан одамларимизнинг соғлигига бефарқ ва ишонувчанлиги мени ҳайрон қолдиради. Дейлик, кўкрак қафасининг чап соҳасида оргрик ёки безовталлик бошланди. Тушунган одам бундай вазиятда оилавий поликлиникага чиқади ёки бошқа шифохонага йўл олади. Биз кўпинча нима қиламиз? “Қўлбола” тахшис қўйишга ўтамиз: “Ўпкама шомоллаган”, “Нервдан бўлса керак”, “Буйрак приступ бердимикан”, “Юрак ҳам бўлиши мумкин”... Етмаганига, уй шароитида муолажа ҳам бошлаймиз. Жуда ҳафсала қилсак, дорихонага бориб, “аптекачи қиз”-

нинг рецептини ихлос билан қўлаймиз.

Афсуски, бу жуда хавфли. Юракнинг чин ва сохта оргриклари бўлади. Буни аниқлаш учун ЭКГ текшируви бор. Энг ишончли восита шу. Битта ишончли текширув бу оргрик юракданми, асабданми, ўпкаданми, аниқлик киритади. Аслида, “кўксимизни чангаллаб” қолишни кутмай, йилда бир марта бўлса ҳам ЭКГ текширувидан ўтиш тавсия этилади.

Бугун касаллик ёш танламай кўйди. Олдин юрак санчиги 50, 60, 70 ёшда ишора берган бўлса, ҳозир 20 ёшдан кейин ҳам инфаркт аломатлари сезилмоқда. Сабабини “экология бузилиб кетган”ига йўйиш билан чекланамиз. Лекин кундалик ҳаёт тарзимиз ҳам бунда асосий “айбдор”дир.

Ҳар кунни жуда катта миқдорда керакли-кераксиз информация қабул қилиб, асаб ва юрак қон-томир тизимига босим берамиз. Кам ҳаракат қиламиз, бир жойда ўтириб ҳамма ишни ҳал қилгимиз келади, икки бекат пиёда юришга эриниб, автобус, метро ё автомобилга осиламиз. Вақтимизни қизганиб, тўғри овқатланиш қоидадини бузиб, тез тайёр бўладиган таомлар истеъмол қиламиз.

Натижада, ҳаракатсизлик оқибатида қон-томир деворларида юқори калория тўплана бошлайди, қонни қуюқлаштирилади. Қарабсизки, вақт ўтиб, “Инфаркт, инсульт, стент қўйдир, шунт қўйдир”... Худо сақласин!

Юрак қон-томир касалликларига чалинмаслик учун биринчи галда соғлом турмуш тарзига амал қилиш

керак. Овқатланишда канцероген, икки марта қайта ишланган маҳсулотлар тавсия қилинмайди. Кунлик рационимизда табиий маҳсулотлар улуши ошсин. Шакар, углеводдан узоқлашишни тавсия қиламан. Яна муҳими: меъридаги уйқу. Агар у олти соатдан кам бўлса, инфаркт хавфи ошади. Юрак соғлом бўлиши учун осойишталик, қалб хотиржамлиги керак.

Ҳар бир инсон йилда икки марта шифокор назоратида бўлиши лозим. Қон топириб, қонимизнинг қуюқ-суюқлиги, холестерин, қанд миқдори, гемоглобин, жигаримиз ва буйрагимизнинг ҳолатини назорат қилиб туришимиз шарт.

Баъзиларнинг оёқ-қўли муздай бўлади. Аксариятга сабаб – юрак етишмовчилиги. Чунки қон яхши айланмайди ва органларга кислород яхши етиб бормади.

Рухий зўриқидан қочиш керак. Ҳар ким оиласига, ишига бир хил вақт ажратсин, айниқса, ўзига. Шундагина стресслар, руҳий босимлар, юрак хасталигига чалиниш эҳтимоли камайди.

Бугун давримиз одамларига энг керакли муолажа – хотиржамлик. Ҳар қандай оғир муаммоларни четга суриб, соатлаб ёлғиз юришга ҳаракат қилин. Шунда нерв хужайралари қайта тикланади. Ҳамма нарсанинг ечми, касалликларнинг олдини олиш йўли – ҳаловатда.

Зарнигор ИБРОХИМОВА
ёзиб олди.

Шундай оғир беморлар борки,
Уялиб кетасан тузалганингдан,
Шундай яхши врачлар борки,
Тузалиб кетасан уялганингдан.

Мухаммад ЮСУФ

ТИЛБИЛИМ

ЧИВИНМИ Ё ПАШША?



Ўзбек халқини, турфа бўлинишлардан ташқари, яна икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: бири чивин деб атайдиган ҳашаротни иккинчиси пашша дейди ва пашшани чивин. Тўғрироғи, бир ҳашаротни Ўзбекистоннинг ярми – пашша, иккинчи ярми – чивин дейди ва аксинча.

Маълумки, Тошкент шаҳри ва вилояти, Фарғона водийсидаги баъзи шеваларда “чивин” деганда – кичкина, қон сўрадиган ҳашарот, русча айтганда, “комар”; “пашша” деганда – қора, каттароқ ҳашарот, русча айтганда, “муха” тушунилади, бошқа худудларда эса бунинг тескариси: “чивин” – бу “муха”, “пашша” – “комар” (Икки гуруҳдан бирига устунлик бермаслик мақсадида русча сўзлар ҳам ишлатилгани учун узр сўраймиз).

“Чивин” сўзининг энг қадимги кўринишлари: “чигун”, “чибун”, “чибин” шаклларида бўлиб, X-XI аср обидалари: “Олтин Ёруқ” ёдгорлиги, Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” асари орқали бизгача етиб келган. Иккала манбада ҳам бу ном ҳозирги адабий тилдаги чивин (комар) маъносига эмас, балки вилоятлардаги сўзлашу тилига оид деб қараладиган “чивин” (муха) маъносига ишлатилган (“Чибун болды душман йаганча бэдуе” – “Чивин филга катта душман бўлди”. “Қутадғу билиг”).

Буни қарангки, кейинчалик XIV асрда Хоразмда яшаган адиб ва шоирлар ҳам “чибин” (чыбын) деб ҳозир вилоятларда “чивин”(“муха”) дейиладиган қора ҳашаротни аташган экан. Бунга атоқли олим Эргаш Фозилов ўзининг “Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века” китобида қатор мисоллар келтиради. Уша даврда Хоразмда яшаган шоир Қутбнинг “Хисрав ва Ширин” достонида бу сўз шундай қўлланган: “Чивинсиз болса сәфйрақ бал” – маъноси:

“Бол чивинсиз (без мух) бўлса, софрок бўлади”.

Навоий бобомиз ҳам “чибин” деганда ҳозирги адабий тилимиздаги чивинни эмас, балки олис ўтмишда аждодларимиз бу ном билан қайси ҳашаротни аташган бўлса, худди ўшани тушунган. Хусусан, “Садди Искандарий” достонида Навоий айланувчи фалак, яъни осмонни тегирмон уйига, Зухал (Сатурн) сайёрасини ўша уйдаги қора чивинга ўхшатади:

Қаро юз била чархи гардуннишин,
Нечукким, харос уйи ичра чибин.

Илим нукумда илгари Зухал – ёмонлик, наҳс келтирувчи, қора сайёра, деб ҳисобланган.

Шунингдек, Навоий қора эмас, кўк рангли чивинни “олтунлуғ чибин” деб атайди.

Шу ўринда бу ҳашарот (муха) қардош тилларда қандай аталишига эътибор берсак: қозоқча: шыбын; туркманча: суьпу; уйғурча: чивин; қирғизча: чымын; татарча: чебен; бошқирча: себын. Яъни, аксарият туркий халқлар “чивин” деб атайдиган ҳашарот фақат ўзбек адабий тилида “пашша”га айланиб қолган.

“Пашша” эса форс тилидан ўзлашган бўлиб, Шавкат Раҳматуллаев ўзининг “Ўзбек тилининг этимологик луғати” III томида унга шундай изоҳ беради: “Пашша форсча, тожикча луғатларда: “қўш парда қанотли, узун мўйловли, танаси ингичка, қон сўрувчи майда ҳашарот (чивин)” маъносини англатиши айтилган. Алқисса, нарсани ўз номи билан атаб, “чивин”ни аждодларимиз, қардошларимиз ўтмишда ва бугун қайси ҳашаротга нисбатан қўллаган ва қўлаётган бўлса, шундай қўлласак, пашшани ҳам аслияти маъносига мосласак, тилимиз бир қусурдан қутулган бўлур эди.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИРЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИМИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:

Иқбол Мирзо

Масъул котиб:

Шуҳрат Азизов

Набатчи муҳаррир:

Гулчехра Умарова

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров

Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади – 18 731

Шундан:

Кирилл ёзувида – 7 101

Лотин ёзувида – 11 630

Медиа кузатувчилар – 72 206

Бюролма: Г – 1239

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz